

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тузувчи: Х.С.Мухитдинова

Тошкент – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: Мухитдинова Х.С.,
педагогика фанлари доктори, доцент

Тошкент -2016

МУНДАРИЖА

- I. “Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулининг ишчи дастури.....**ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**
- II. Ўзбек тилини ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари..... 15
- III. Назарий материаллар..... 196
- IV. Амалий машғулот материаллари..... **ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**
- V. Кейслар банки.....**ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**
- VI. Мустақил таълим мавзулари..... **ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**
- VII. Глоссарий.....**ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**
- VIII. Адабиётлар рўйхати**ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.**

“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР”

модули бўйича ишчи дастур

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган. Дастур мазмуни республикада узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни, ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар, интерфаол дарс шакллари, ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро компетенциявий даражаларга мувофиқлаштириш, олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш ва ўқув фани мазмунини лойиҳалаштириш, ўзбек тилини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича янги билимлар юзасидан кўникма ва малакаларни шакллантиришни кўзда тутади.

I. “Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулининг мақсад ва вазифалари

“Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулининг **мақсад ва вазифалари** тингловчиларни республикада таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар, таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни, республикада ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари ва долзарб масалалари; ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар, тил таълимининг халқаро стандартлари билан таништириш, ўзбек тилини ўқитишга компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш, ўзбек тили ўқитувчиларининг тайёргарлик даражасига ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар билимлари даражасига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, ўзбек тили таълимига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш ва интенсив эгаллаш методларини ишлаб чиқиш, ўқув фани мазмунини лойиҳалаштириш, ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турларидан фойдаланиш ва интерфаол усулларни қўллаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтиришдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

– республикада таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини;

- ўзбек тилининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясини;
- ўзбек тили таълими мазмунида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашни;
- ўзбек тилини ўқитишнинг долзарб масалалари ва янги замонавий ёндашувларни;
- узлуксиз таълим босқичлари учун ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини тил таълимининг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш масалаларини;
- ўзбек тилини она тили ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликларни;
- ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш йўллари ва замонавий дарс шакллари;
- ўзбек тили ўқитувчиларининг тайёргарлик даражасига ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан билимлари даражасига қўйиладиган талаблар мазмуни;
- лойиҳа технологияси ва ўзбек тили ўқув фанининг мазмунини лойиҳалаштириш талабларини;
- талабаларнинг нутқий компетенциялари даражасини баҳолаш мезонлари, методлари ва уларнинг таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамиятини *билиши* керак.

Тингловчи:

- ўзбек тили фанидаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ўзбек тили дарсларида замонавий таълим шакллари, интерфаол методлари ва воситаларидан фойдаланиш;
- ўзбек тилидан белгиланган давлат таълим стандартлари талабларини бажаришда ижобий натижаларга эришиш;
- ўзбек тилини ўқитишда талабаларнинг нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенцияларини шакллантириш;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш орқали уларнинг мустақил ижодий фикрлашини ривожлантириш;
- таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш *қўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ўзбек тили ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш;
- ўзбек тили фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган

дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– ўзбек тили фанини ўқитиш жараёнида талабалар мустақил ишлари ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш;

– квалиметрик назорат технологиясидан самарали фойдаланиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби *малакаларга* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

– ўзбек тилининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясида акс этган талаб ва ғоялардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;

– ўзбек тилини ўқитиш воситасида талабаларда илмий дунёқарашини ва ижодий фикрлашини ривожлантириш;

– ўзбек тилидан ўқув машғулотида инновацион ва ахборот технологияларнинг энг мақбул шакл ва усулларини топиш ва амалиётга татбиқ эта олиш;

– педагогик амалиётда талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларини самарали қўллаш;

– амалий фаолиятда талаба ва ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини оширишга қаратилган самарали усуллар тизимидан мақсадли фойдалана олиш;

– квалиметрик назорат технологиясидан самарали фойдаланиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик фаолиятда қўллай олиш *компетенциялари*га эга бўлиши лозим.

“Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули маъруза, амалий машғулотлар ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади. Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида муаммоли таълим, замонавий педагогик ва компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва технологиялардан;

- амалий машғулотларда суҳбат, баҳс-мунозара, блиц-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерфаол педагогик таълим усулларида замонавий электрон-дидактик воситаларни қўллаш кўзда тутилади.

Шунингдек, модул доирасида кўчма машғулотларни ташкил этиш ва узлуксиз таълим босқичларида ҳамда олий таълимнинг филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини амалий ўрганиш ҳам режалаштирилган.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули мазмуни ўқув режадаги “Тилшунослик назарияси асослари”, “Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”, “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари”, “Тил ва адабиёт таълимида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўзбек тилини ўқитишнинг турли тамойиллари ва замонавий ёндашувлар билан танишадилар, уларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

“Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули бўйича соатлар тақсимоти ва модулнинг тақвимий РЕЖАСИ

т/р	Ўқув модулининг мавзулари	Жами ўқув юклармаси	Жумладан			Мустақил таълим
			назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқув-услугий таъминоти ва таълим жараёнидаги муаммолар	2	2			
2.	Тил таълими методлари ва методологияси. Замонавий таълим методлари ва педагогик технологиялар. Таълимнинг ноанъанавий шакллари.	4	2	2		
3.	Республикамиз узлуксиз таълим тизимида: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни ва ўзига хосликлари, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари.	6	2	4		

4.	Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро компетенциявий даражаларга мувофиқлаштириш масалалари.	6	2	2		2
5.	Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва машғулотларни лойиҳалаштириш	6	2	2		2
6.	Модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий дарс турлари ва шаклларида фойдаланиш	6		2	4	
Жами		30	10	12	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ (10 соат маъруза)

1-МАЪРУЗА: Ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқув-услубий таъминоти ва таълим жараёнидаги муаммолар (2 соат).

“Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва истиқлол туфайли ҳозирги кунда ўзбек тили республикамизнинг давлат тили сифатида узлуксиз таълим тизимининг барча асосий босқичларида асосий фан сифатида ўқитилиши.

Фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти ва унинг таълимдаги ўрни. Тил методикасини ўқитишнинг асосий вазифаси: ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда раво, адабий тил меъёрлари асосида тўғри ифодалай оладиган, бир маънони турли вазиятларга мос ҳолда мақсадли ифодалай олиш кўникмасини эгаллаган саводхон кадрларни етиштириш эканлиги. Бу борада мавжуд муаммолар.

Ўзбек тилини ўқитишда тил имкониятларидан мустақил ва эркин фойдаланишга қаратилган амалий; ўқувчи-талабаларда мустақил, ижодий фикрлаш, оғзаки ва ёзма саводхонликни эгаллашга қаратилган таълимий, маънавий-ғоявий ва эстетик тарбия беришга йўналтирилган тарбиявий, маънавий комил инсон шахсини таркиб топдиришга қаратилган ривожлантирувчи мақсадлар.

2-МАЪРУЗА: Тил таълими методлари ва методологияси. Замоनावий таълим методлари ва педагогик технологиялар. Ноанъанавий дарс шакллари (2 соат).

Тил таълими методлари ва методологияси. Метод объектив борликдаги предмет, ҳодисаларни, яъни тадқиқот манбаини илмий таҳлил қилиш, ўрганиш орқали унинг моҳиятини, табиати, таркибий қисмларини, муайян ўзига хос хусусиятларини топиш, очиш, улар ҳақида илмий хулосалар, умумлашмалар чиқариш усули сифатида. Методология тадқиқот манбаини қандай тушуниш, уни ўрганишга қандай ёндашиш, қайси усулларни қўллаш, тадқиқот объекти юзасидан умумий назарий, амалий, мантиқий ёки тавсифий билимлар ҳосил қилиш ҳақидаги таълим сифатида. Анъанавий методлар ва замоनावий таълим методлари. Таълим технологиялари. “Педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар, ҳамкорлик методи турлари ва омиллари. Таълимнинг ноанъанавий усуллари, ноанъанавий дарс шакллари: баҳс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси. Муаммоли маъруза методи.

3-МАЪРУЗА: Республикамиз узлуксиз таълим тизими: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни ва ўзига хосликлари, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари (2 соат).

Республикамизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар. Таълим босқичларида ўзбек тилини узвийлик ва узлуксизлик асосида ўқитиш мазмуни ва йўналишлари. Умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш. Ўзбек тилини миллий мактаблар ва миллий гуруҳларда она тили сифатида ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда рус гуруҳларида иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари. Ўзбек тилини хорижликларга ўқитиш масалалари.

4-МАЪРУЗА: Ўзбек тилини ўқитишда замоनावий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари (2 соат)

Ўзбек тилини таълимида замоनावий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш масалалари. Тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликлари.

Ўзбек тилини ўқитишда компетенциявий ёндашув. Компетенция тушунчаси ва турлари: таянч компетенциялар ва хусусий компетенциялар. Ўзбек тилини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг асосий компонентлари: нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар. Лингвистик билимлар, кўникма ва малакалар нутқий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш асоси сифатида. Тил компетенцияларининг халқаро CEFR даражалари ва ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини уларга мувофиқлаштириш масалалари.

5-МАЪРУЗА: Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар, ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва машғулотларни лойиҳалаштириш (2 соат)

Олий таълим филологик ва нофилологик йўналишлари битирувчиларига ўзбек тилидан қўйиладиган талаблар даражаси, ўқув фани мазмунини ушбу талабларга мувофиқлаштириш. Олий таълимнинг бакалаврият босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда талабалар эгаллашлари керак бўладиган нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар.

Олий таълим тизимида ўзбек тилини таълими самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: таълим босқичлари аро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, ўзбек тили ўқув фани мазмунини такомиллаштириш. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар. Ўзбек тили таълимида лойиҳа технологиясидан фойдаланиш ва ўзбек тили ўқув фани мазмунини ҳамда назорат-баҳолаш тизимини лойиҳалаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ (жами 12 соат)

1-амалий машғулот

Тил таълими методлари ва методологияси. Замонавий таълим методлари ва педагогик технологиялар. Таълимнинг ноанъанавий шакллари (2 соат).

Режа:

1. Замонавий таълим технологияларида янги ўқитиш модели услублари.
2. Ўзбек тилидан ўқув машғулотларида замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш
3. Ўзбек тилини она тили сифатида, иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида ўқитиш методлари

Замонавий таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик бошқариш услублари ва воситалари. Бугунги кун ўқитувчиси муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир ва уларнинг амалга ошишига масъулдор менежер эканлиги. Ўзбек тилидан ўқув машғулотларида замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишда ўқитиш ва баҳолашнинг самарали мезонларини ишлаб чиқиш. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида ўқитишда ўзбек тилини интенсив эгаллашга йўналтирилган таълим методларини ишлаб чиқиш.

2-амалий машғулот

Республикамиз узлуксиз таълим тизими: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш мазмуни, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари (2 соат).

Режа:

1. Умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг “9+3” модели.
2. Олий таълим ва қуйи таълим босқичлари ўртасида “Она тили” ўқув дастурлари узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш.
2. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш тамойиллари ва долзарб масалалари.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” асосида таълим соҳасида ўтказилган ислохотларнинг бош вазифаси мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим турларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичларига, улардан эса олий таълим босқичларига босқичма-босқич ўтилишини таъминлашдан иборат эканлиги. Республикамизда умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг “9+3” моделига асосланган мажбурий 12 йиллик таълимнинг шакллантирилганлиги.

Узвийлик ва узлуксизлик тушунчалари. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўқитиш мазмунида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш тамойиллари ва долзарб масалалари. Она тили таълими самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: оғзаки ва ёзма

саводхонликни кўтариш, нутқ маданиятини яхшилаш, ўзбек тилини атрофлича ўргатишга йўналтирилган таълим методларини ишлаб чиқиш.

3-амалий машғулот

Республикамиз узлуксиз таълим тизимида: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш мазмуни ва ўзига хосликлари, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари (2 соат).

Режа:

1. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида сифатида ўқитиш тамойиллари ва ўзига хосликлари.
2. Ўзбек тилини хорижликларга ўқитишни ташкил масалалари.

Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш йўналишлари: миллий мактаблар ва миллий гуруҳларда она тили сифатида ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда рус гуруҳларида иккинчи тил (давлат тили) сифатида ўқитиш тамойиллари. Тилни иккинчи тил сифатида ўргатишда ҳам тилни тил муҳити бўлмаган жойда ўргатиш ва тилни тил муҳитида ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш. Ўзбек тилини хорижликларга интенсив ўқитишни ташкил этиш. таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари, нофилологик йўналишлардаги рус гуруҳлари талабалари учун ўзбек тили ўқитувчиларини тайёрлаш масаласи. Ушбу йўналишлар ва соҳа мутахассислари учун ўқув-услубий адабиётларни яратиш муаммолари.

4-амалий машғулот

Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро компетенциявий даражаларга мувофиқлаштириш масалалари (2 соат).

Режа:

1. Тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликлари.
2. Ўзбек тилидан ДТС талабларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш.
3. Таянч ва хусусий компетенциялар (нутқий, лингвистик, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар) узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш.

Тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликлари. Ҳамкорлик методи таълим субъектларини фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида.

Ўзбек тилини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш. Таянч ва хусусий компетенциялар. Таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишда нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Лингвистик билимлар, кўникма ва малакалар воситасида талабалар нутқий компетенцияларини ривожлантириш.

5-амалий машғулот

Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар (2 соат).

Режа:

1. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитиш.
2. Ўзбек тилини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш.
3. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда талабалар эгаллашлари керак бўладиган нутқий, лингвистик, ижтимоий-маданий ва прагматик компетенциялар. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида ўзбек тили ўқув фани мазмунини ва назорат-баҳолаш тизимини лойиҳалаштириш.

6-амалий машғулот

Модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий дарс турлари ва шаклларини ўзлаштириш (2 соат).

Режа:

1. Ўзбек тили машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида замонавий дарс турлари ва шаклларини ишлаб чиқиш.

Ўзбек тили машғулотида замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш. Ўзбек тили машғулотида анъанавий ва ноанъанавий дарс шакллари - муаммоли маъруза, баҳс-мунозара, давра суҳбати, тақдирот-дарс, конференция-дарс, экскурсия-дарс шаклларида фойдаланишнинг самарали жиҳатлари.

Ўзбек тили машғулотида ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш. Ўзбек тилидан мультимедиа иловали ўқув-услубий қўлланмалар, аудио дисклар, видеоматериаллар ва электрон дарсликлар яратиш муаммоси.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ **(4 соат)**

1. Умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичида ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турлари ва шаклларида фойдаланиш **(2 соат)**.

2. Олий таълимнинг филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турлари ва шаклларида фойдаланиш **(2 соат)**.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ **(4 соат)**

1. Тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари ва ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги илғор тажрибаларни ўзбек тили фанини ўқитиш жараёнига татбиқ этиш **(2 соат)**.

2. Узлуксиз таълим босқичида ўзбек тили фанидан компетенциявий талабларни назорат-баҳолаш тизимини лойиҳалаштириш **(2 соат)**.

АДАБИЁТЛАР

III. Махсус адабиётлар

1. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.

2. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ, 2002. – 336 с.

3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

4. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. – Т.: Университет, 2005.

5. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. – Жиззах, 2006.

6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.

7. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Т.: Фан, 2006.
8. To‘xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – T., 2006.
9. Юсупова Ш. Она тили ўқитиш мазмуни. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.
10. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
11. Юсупова Ш. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси. – Андижон, 2008.
12. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари (монография). – Т.: Фан ва технология, 2008. – 238 б.
13. Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа (монография). – Т.: “Мумтоз сўз”, 2009.
14. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
15. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
16. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
17. Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Т.: Баёз, 2010.
18. Юсупова Ш. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (амалий ва лаборатория машғулотлари учун ўқув қўлланма). – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
19. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (монография). – Т.: Фан ва технология, 2012. -214 б.
20. Юсупова Ш. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури (ўқув-услугий қўлланма). – Т., 2013.
21. Yo‘ldoshev R. A. Ta‘lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. – T., 2015.- 157 б.
22. Muxitdinova X. S. Til ta‘limining xalqaro kompetensiyaviy talablarini o‘zbek tiliga joriy etishga doir mulohazalar // Til va adabiyot ta‘limi, 10- son. – T., 2015. - 15-16- b.
23. Muxitdinova X.S. The Issues of Certificating and Reforming Requirements of Competence in Uzbek Language Tashkent, 2016. / International Theoretical and practical Conference EDUCATION FND SCIENCE FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT / Uzbekistan 2015, April 6-8. – T., 2015.- 102.
24. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

/Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа)/ - 2016.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
5. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
6. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
7. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
8. www.tdpu.uz.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Модулни ўқитишда қуйидаги дарс шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадига йўналтирилади);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш мақсадига йўналтирилади);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш мақсадига йўналтирилади);
- кўчма машғулотлар (илфур педагогик тажрибани ўрганиш, дарсларни таҳлил қилиш, узлуксиз таълим босқичларида ва олий таълимнинг филологик-нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишнинг педагогик-психологик жиҳатларини фарқлаш, ўзбек тили таълимида қўлланиши яхши самара берадиган инновацион технологияларни аниқлаш мақсадига йўналтирилади).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Анаънавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади	Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилади, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талабалар қамраб олинади	Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туҳилиши мумкин.
T	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари

Резюме, Веер методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

Ўзбек тилидан Давлат таълим стандартлари					
Собиқ стандартлар		Амалдаги стандартлар		Тақомиллаштирилган стандартлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“ФСМУ” методидан фойдаланиш

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Ўзбек тилини турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“SWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

Муаммоли вазият яратиш

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн диаграммаси”,

“Органайзер”,

Ҳар хил чизмалар, жадваллар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

МАЪРУЗАЛАР МАЗМУНИ

(10 соат маъруза)

1-МАЪРУЗА: Ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқув-услубий таъминоти ва таълим жараёнидаги муаммолар (2 соат).

Режа:

- 1.1. Ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари
- 1.2. Ўзбек тили таълимнинг ўқув-услубий таъминоти
- 1.3. Ўзбек тили таълимидаги мавжуд муаммолар

Таянч тушунчалар: Таълимий мақсад, тарбиявий мақсад, ривожлантирувчи мақсад, ўқув-услубий таъминот, Давлат таълим стандарти (ДТС), ўқув дастур, дарслик, ўқув қўлланмалар, таълим жараёни мавжуд муаммолар, ўқув жараёни лойиҳалаштириш, методика фанининг олтин қоидаси, ўқув диалоги ва полилоги лойиҳаси.

1.1. Ўзбек тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

“Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва истиқлол туфайли ўзбек тилининг нуфузи тикланди, унинг ривожланиши учун кенг уфқлар очилди. Она тилимиз республикада нафақат муомала, алоқа воситаси, балки илмий, бадиий, расмий тил сифатида ҳам кенг миқёсда қўллана бошлади. Ўзбек тилини ўрганиш, ўқиш-ўқитиш, илмий, бадиий асарларни, ўқув адабиётларни ўзбек тилида чоп этиш кенг йўлга қўйилди. Қисқа қилиб айтганда, она тилимиз **“мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бири”**га айланди.¹

Ўқитувчилар ўзлари ўқитаётган мавзудан келиб чиққан ҳолда турлича ёндашади. Бундай вазиятда ўқитувчилар ўқувчиларнинг табиатини ҳамда шароитларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади, ҳаттоки дарс жараёни кечаётган вақт, мавсумга ҳам эътиборларини қаратишлари лозим бўлади.²

Она тили фарзандларимизга нафақат ўқиш-ёзишни, балки юқори нутқ маданиятини, ижодкорлик ва сухандонликни эгаллаш, илм-фаннинг турли соҳаларини амалий эгаллаш ва турли соҳаларда ихтиролар қилиш имкониятини очиб берувчи сирли калитларга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи улкан хазинадир. Она тили айни вақтда миллий маънавият ва мафкура, маданият ва кадриятларимизнинг, миллий тафаккурни шакллантирувчи энг асосий восита ҳамдир. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси фани она тилининг ана шу имкониятларидан моҳирлик билан фойдалана олишни ўргатиш,

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –85-б.

² John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.16

бўлажак ўқитувчиларни она тилининг мақсад ва вазифаларни тўлиқ англаган ҳолда, таълим жараёнида ушбу мақсадлар уйғунлиги таъминлай оладиган, дарсларни маҳорат билан ташкил эта оладиган ғоявий етук, билимдон ва компетентли ўқитувчиларни тайёрлашдир. Она тилидан ташкил этиладиган ҳар бир машғулот (у таълим тизимининг қайси бўғинида, қайси босқичида бўлмасин) миллий истиқлол ғояларини ўқувчи-талабаларга сингдиришга хизмат қилмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб, она тили машғулотлари ҳам таълимий, ҳам тарбиявий, ҳам ривожлантирувчи мақсадлар кўзда тутилади.

Дарсинг таълимий мақсадида ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан пухта назарий билим бериш, ушбу тил ҳодисаларини амалда қўллаш кўникма ва малакалари орқали уларни нутқий фаолиятда қўллай олишга ўргатиш кўзда тутилса, **тарбиявий мақсадда** шу тил ҳодисаси орқали ўқувчи-талабаларда ўз халқига, Ватанига садоқат, миллий тилга муҳаббат, уни пухта эгаллашга иштиёқ, аجدодларини қадрлаш, миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар руҳида тарбиялашни, **ривожлантирувчи мақсад** ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлаш ва қийинчиликларни мустақил равишда енгиш, ўзига ишонч ва қатъийлик, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ўргатишни талаб этади.



1 Ta'limiy maqsad:

O'quvchi-talabalarga mavzuga oid bilimlar berish, ularning nutqini o'stirish, so'z boyligini oshirish; muayyan til hodisasi yuzasidan ko'nikma+malakalar hosil qilish

2. Tarbiyaviy maqsad:

Insoniy fazilatlarni singdirish, Vatanga, o'z xalqiga sadoqat, ajdodlar, milliy qadriyatlarni e'zozlash tuyg'ularini singdirish;

3. Rivojlantiruvchi maqsad:

O'quvchilarda mustaqil, ijodiy fikrlashga o'rgatish, til hodisalarini qiyoslash asosida nazariy xulosalar chiqarish, o'z nuqtai nazarini himoya qila olish malakasini shakllantirish.

Ҳозирги кун ўқитувчиси таълим бераётган босқичдаги битирувчиларга ДТС фан юзасидан қўйиладиган талабларни яхши билиши ва таълим жараёнини шунга йўналтириши, яъни мавзулар, модулларни шу талаблардан келиб чиқиб лойиҳалаштириши керак бўлади. Қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кўзда тутилган натижаларга эришиш бўйича фаолият

тизими ва мазмунини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи қўйи босқичдаги таълим мазмуни ва талабларини ҳам билиши, яъни таълим узлуксизлиги ва узвийлиги билан ҳам яхши таниш бўлиши талаб этилади. Шунингдек, албатта, методика фанининг олтин қоидаси саналадиган **кимга? нимани? нима мақсадда? қайтарзда?** бериш кераклигини яхши англаб олиши, сўнгра ушбу режалаштирилган материалларни беришда **Замонавий таълим технологиялари** воситасида ташкил этиладиган янги ўқитиш моделидан фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун таълим жараёнида нафақат таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигидан иборат фаол усулларни, балки таълим олувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам таъминловчи интерфаол усуллардан ҳам фойдаланиши, яъни **ўқув диалоги ва полилоги лойиҳасини ишлаб чиқиши** керак бўлади. Яъни тил таълимининг асосий вазифаси ўқувчи-талабалар ўзбек тилидаги луғат бойлигини ошириш, ушбу луғат бойлигидан грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри ва ўринли фойдаланиш, ўз фикрини аниқ, бехато, жўяли, мантиқли, асосли ва таъсирчан баён қила олиш кўникма-малакаларига эга бўлиш билан бир қаторда:

- таълимни тизимли ёндашув асосида ташкил этиш;
- ҳар бир таълим субъектига индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида талабаларни ўқув фаолиятида таълимни мустақил олиб борувчи тенг ҳуқуқли субъект сифатида;
- ўқитувчини эса ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, талабаларининг саводли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида қабул қилиш;
- таълим жараёнида муаммоларни қидириш ва ечиш, билимларни амалда қўллашга йўналтирилган фаол ва интерфаол усулларни қўллаш;
- машғулотларда жамоа бўлиб ва кичик гуруҳларда ишлаш шаклини кенг йўлга қўйиш;
- таълим жараёнида таълимнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда ахборот технологияларини ҳам кенг қўллаш;
- талабаларни мустақил ишлашга йўналтиришга қаратилган услубларни билиши ва фаол қўллаши талаб этилади.

Ўқитиш усуллари ўз ичига олиши мумкин бўлган ҳолатларни баён қиладиган бўлсак, булардан биттаси яъни ўқитувчи синфхонада этакчи ролида ўқувчиларга мос андозани шакллантиради, бу муҳитда ўқувчилар биргаликда жамоа бўлиб ишлайди ҳамда уларнинг ўзлари тўғри қарорлар қабул қилишига ундайди. Ёки ўқитувчи ҳам ўзини шу жамоа аъзоси сифатида қарши мумкин, ёки ўқитувчи синфхонада тўлиқ назоратни ўз қўлига олиб ўқувчиларни бошқариб боради, ёки синфхона шароитида ташкил бўлган жамоа билан ҳамоҳанг тарзда ҳаракат қилади. Бу кабилар ҳаммаси ўқитиш усуллариининг таркибий қисмлари деб олсак бўлади.³

1.2. Ўзбек тили таълимининг ўқув-услубий таъминоти

³ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.16

Ҳозирги кунда ўзбек тили республикамизнинг давлат тили сифатида узлуксиз таълим тизимининг барча асосий босқичларида асосий фан сифатида ўқитилади. Хусусан, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида 1-9-синфларда, ўрта махсус таълим босқичидаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг миллий гуруҳларида ҳам “Она тили” фани сифатида тўлиқ ўқитилади. Ҳозирги кунда ушбу таълим босқичлари 12 йиллик мажбурий таълим босқичлари саналади ва улар учун узлуксизлик ва узвийлик асосида тузилган 9+3 ўқув дастури ҳам ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” сифат босқичи талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган:

«Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори;

1999 йил 16 августдаги 390-сонли «Умумий ўрта таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» қарори,

2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 400-сонли қарорлари,

2004 йил 21 майдаги “Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури”;

2010 йил 1 июлдаги Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18- сонли қарори;

2008 йил 30 апрелдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарорлари;

2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўқитиш тизимини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -1875-сонли қарорлар ва улар асосида қабул қилинган қатор буйруқларга мувофиқ умумтаълим мактабларидаги барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги саъй-ҳаракати билан умумтаълим мактабларида барча фанлар қатори “Она тили” фани бўйича ҳам ўқув дастурлари бир неча бор янгиланди, танлов асосида янги ўқув-услубий мажмуалар дарсликлар ва уларнинг услубий қўлланмалари – “Ўқитувчи китоблари” яратилди. Бироқ эришилган ушбу ютуқлар билан бир қаторда ҳали айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ушбу камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш орқалигина она тилимизнинг янада равнақ топишига, ўзбек тилининг бошқа миллатлар вакиллари томонидан етарли даражада ўзлаштиришларига шарт-шароит яратилиши мумкин.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари таълимнинг энг асосий босқичи бўлиб, барча ёшлар шу босқичда таълим оладилар. Шу боис “Она

тили” ва “Ўзбек тили” фанларидан умумтаълим мактаблари учун яратилаётган дарсликларнинг методик жиҳатдан мукаммал, хатосиз, ўқувчиларнинг ёшига мос ёзилишига, дарсликларда мумкин қадар кенгроқ билим беришга жиддий эътибор қаратиш керак. Кейинги йилларда умумтаълим мактаблари “Она тили” дарсликлари нафақат тилга оид назарий, балки амалий нутқ масалаларининг ҳам ёритилаётгани, ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ундайдиган машқлар ва топшириқлар тизими билан аввалги дарсликлардан тубдан фарқ қилади.

“Она тили” дарсликларининг амалий нутқ малакаларини шакллантиришга қаратилиши, албатта, дарсликларимизнинг ютуғидир. Бироқ ушбу ютуқлар билан бир қаторда грамматик атамалар, таснифларнинг берилишидаги ҳар хилликлар, дарсликларда қоидаларнинг ниҳоятда қисқа берилаётгани, баъзи ҳолларда назарий маълумотларнинг мисоллар билан изоҳланмаслиги фарзандларимизнинг она тилидан чуқур ва кенг билим олишлари, аксарият машқларнинг бор-йўғи 3-4та қисқа гаплардан иборатлиги, машқларда содда, оғзаки нутқдан олинган гапларнинг кўп берилиши эгалланган билимларни пухта ўзлаштириш ҳамда ўзбек тилининг бой ва сержило нутқий имкониятларини ўқувчиларга сингдириб бориш имкониятларини бир мунча чегаралаб қўяётганини ҳам таъкидлаш керак.⁴ Бадиий нутқ жилолари, ўзбекона, шарқона лутфни болаларга ёшлик чоғиданок сингдириш, нутқ маданиятини кўтариш, воизлик санъатини шакллантириш мақсадига эришиш, энг аввало, “Она тили” ва “Адабиёт” дарсликлари ва улар воситасида ўтиладиган дарсларда амалга оширилишини унутмаслигимиз даркор.

Шунингдек, республикамизда давлат тилини ўргатишни изчил йўлга қўйишни, ўзбек тилини бошқа миллатлар вакилларига ўргатишнинг мукаммал ўргатиш методикасини яратишни тақозо этади. Ушбу масала жуда муҳим ва долзарблигига, давлат аҳамиятига эга бўлган масала эканлигига қарамай, ҳозирги кунгача тўлиқ ечимини топганича йўқ. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида ниҳоятда примитив грамматик билимлар берилаётганлиги, жимжимадор нутқий мавзуларга берилиб кетиш натижасида грамматик билимларни беришда муайян тизимлиликка риоя қилмаслик оқибатида дарсликларда такрорлар ва қайтариқларнинг кўплиги, берилаётган грамматик маълумотларнинг ўқувчиларнинг ёшига, билим даражасига мос келмаслиги, дарсликлар аксарият ҳолларда синфдаги энг паст билимли ўқувчига мослаб ёзилаётганлиги ўзбек тилини ўрганишга бўлган интилиш ва иштиёқни камайтирмоқда, ўқувчиларга етарли даражада билим берилмаслигига олиб келмоқда. Ҳар 5 йилда ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янгиланавериши ҳам ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

⁴ Қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д.. Она тили (умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик). –Т.: Тасвир, 2009. -176 б.; Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д., Мирзааҳмедов А. Она тили (умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик). –Т.: Маънавият, 2009. -126 б.

Дарсликларда машқлар тизими, уларда мисол тариқасида келтирилган гаплар ҳам жиддий таҳрирга муҳтож: уларнинг кўпчилиги жўн, ўта содда, кўпроқ оғзаки нутқдан олинган тўқима гаплардан иборат. Шу боис русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқ бойлиги анча қашшоқ. Биз “Ўзбек тили” дарсликлари такомиллаштирилиши, муқимлаштирилиши, уларда берилаётган билимлар кенгайтирилиши зарур. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг сифат босқичи бизнинг олдимизга қўяётган энг асосий вазифа ҳам шу.

Хусусан, олий ва ўрта махсус таълим босқичларида ҳам ўзбек тилидан ўқув дастурлари ва дарсликларининг мазмунини шу нуқтаи назардан кўриб чиқиши, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг сифатига жиддий эътибор қаратилиши керак.



1.3. Ўзбек тили таълимидаги мавжуд муаммолар

Ўзбек тили таълимида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак деб ўйлаймиз:

1. Ўзбек тили жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб, тобора равнақ топиб бораётган мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Шу боис она тилимизнинг нуфузи ва амалиётини мустаҳкамлаш, таълим-тарбиянинг барча бўғинларида ўзбек тилидан мустаҳкам билим бериш, саводхонлик ва нутқ маданиятини юксалтиришга давлат аҳамиятига эга масалалар сифатида қарашни таъминлаш;

2. Ўзбек тили таълими методикасини янгилаш, ўқув машғулотларида илғор педогогик технологиялар ва ахборот информацион воситалар тўлиқ тадбиқ этилишига эришиш;

3. Таълим босқичлари учун янги типдаги муқобил дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, аудио ва видеодискли дарсликлар, услубий қўлланмалар, дидактик таълимий воситалар, мультимедиа иловалари мажмуаларини яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

4. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўрганувчилар ва битирувчиларга қўйиладиган давлат стандартлари талаблари даражаларини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ва сертификатлаштириш орқали республикамиз давлат тилининг нуфузини янада кўтариш;

5. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчиларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, уларни замонавий таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик бошқариш услублари ва воситаларини биладиган, муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир бугунги кун ўқитувчиси сифатида тайрлашга алоҳида эътибор қаратиш;

6. Ўзбек тилини республикамиздаги чет эллик фуқароларга ва чет элларда ўқитиш-ўргатишни йўлга қўйиш, хорижликлар учун ўқув-услубий қўлланмалар яратиш орқали ўзбек тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатидаги нуфузини кенгайтириш.

Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам таъкидлаш жоизки ўқитувчининг кайфияти ва ҳаракатчанлик даражаси ҳам ўқитувчилар қўллаши кўзда тутилган услубнинг қанчалик самарадорлиги ва мувофиқлигига сезиларли даражада таъсир қилади. Самарадорлиги юқори деб қаралган ўқитувчилар ҳамини муайян тартиб-интизомга риоя қилувчи, шароитга тез мослашувчан ҳамда интилувчан характерга эга бўлишади.⁵

Ўзбек тили чуқур тарихий илдизларга, бой адабий-маънавий меросга эга бўлган энг қадимий тиллардан биридир. Аммо турли тарихий жараёнлар оқибатида ёзув тизимининг кўп алмашиниши имло ва саводхонлик масаласига ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Охирги юз йилликнинг ўзида ёзувимизнинг 4 марта алмашиниши - 1920 йилгача араб ёзувини қўлланилиши, 1929 йил лотин графикасига ўтилиши, 1940 йил кирилл алифбосининг қабул қилиниши ва 1995 йилда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосининг қабул қилиниши, албатта, ижобий жиҳатлари билан бир қаторда айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Чунки ҳар бир ёзув тизими ўзига хос имло қоидаларига ҳам эгадир ва уларни ўзлаштириш маълум вақт, малака, кўникмаларни талаб этади.

Ҳозирги кунда ўзбек тилида ёзилиб тақдим қилинаётган расмий иш қоғозларида, оммавий ахборот воситаларида, ўқувчи-талабаларнинг ёзма ишларида имловий, услубий хатоларнинг кўплаб учрашининг сабабларидан бири шунда ва бу тезкорлик билан бартараф қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бу муаммоларни бартараф қилиш учун таълим босқичларининг барчасида имло саводхонлигини мустаҳкамлашга қаратилган диктант, баён, иншо каби ёзма ишларни ўтказишни кенгайтириш, ижтимоий

⁵ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.16

йўналишдаги барча олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларига ижодий имтиҳон тарзида иншо ёзишни киритиш керак деб ўйлаймиз. Бу ўринда кейинги пайтларда ёзувга, ҳуснихатга эътибор анча сусайганлигини ҳам қайд этиш керак. Маълумки, таълим жараёнига баҳс-мунозара, мустақил фикрлаш, таҳлил ва хулоса қилиш орқали ўз фикрини умумлаштириб ифодалашга ўргатишга қаратилган замонавий педагогик технологиялар кенг жалб қилина бошланди. Бу айрим ҳолларда машғулотларнинг фақат оғзаки мулоқот тарзида ўтказилишига ва ўқувчи-талабаларнинг ёзма нутқ малакаларининг етарли шаклланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўқувчиларнинг ёши, уларнинг индивидуал шахс ёки жамоа шаклидаги истиқболли режалари, жинси ҳамда этник таркиби, уларнинг ўқишга бўлган ҳоҳиш истаклари ва уларнинг турли даражадаги қобилиятлиликлари буларнинг ҳаммаси ўқитиш услубларига таъсир ўтказади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики қобилиятлилик даражаси турлича бўлган гуруҳларни ўқитишда кўпроқ ўртача ва паст даражада ўзлаштирувчи ўқувчилардан ташкил топган гуруҳларда самарали кечади.

Оқувчиларнинг олган билимларини ўзлаштириш даражаси бу ўқитувчининг танлаган услуби ҳамда ёндашувига боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг фоизлари қуйидаги турли ёндашувлар орқали белгиланади.

Ўзлаштириш даражаси фоизларда:

- 5% - маруза
- 10% - ўқиш кўникмалари
- 15% - кўргазмали услуб
- 30% - намоиш услуби
- 50% - кичик жамоа бўлиб ишлаш
- 75% - тажрибадан ўтказиб кўриш
- 90% - шогирд-устоз услуби⁶

Айни пайтда оғзаки нутқ саводхонлиги, нутқ маданияти борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда нутқ маданияти фарзандларимизга ёшлигидан оиладан, боғчадан, мактаб таълимидан бошлаб ўргатилиши ва сингдириб борилиши, нафақат болаларнинг, балки катталар томонидан ҳам кўча-кўйда учраб турадиган кўпол, хунук, жаргонларга тўлиб-тошиб кетган оғзаки нутқлари жамоатчилик томонидан доимий назоратга олиниши, зарур бўлса, чора-тадбирлар кўрилиши ҳаётий заруратга айланиб қолди. Ўқитиш – таълим тизимини яхшилаш, дарсликлар, ўқув қўлланмалар мазмунини, сифатини яхшилаш, ўқувчи-талабаларни китоб мутолаасига жалб қилиш, идеаллар, бадиий қаҳрамонларга эргаштириш ана шу тугунларни ечишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Таълим жараёнида илғор педогогик технологияларни жорий этиш, дарсларда коммуникатив-нутқий тамойилни тадбиқ этиш, техник воситалар:

⁶ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.17

аудио-видео аппаратлар, ўқув видеофильмларидан фойдаланиш, ўқитувчиларга дарсларини техник воситалар билан тўлиқ таъминланган аудиторияларда ўтказиш учун тўлиқ шарт-шароит яратиш зарур. Бироқ барча ўзбек тили ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини юқори даражада деб бўлмайди. Бугунги кун ўқитувчиси учун ўз соҳаси бўйича чуқур назарий билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, у замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдалана оладиган, муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир, педагогик бошқариш услублари ва воситаларини яхши биладиган мутахассис бўлиши ҳам керак.

Назорат саволлари

1. Ўзбек тилини ўқитишнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ўзбек тили таълимининг ўқув-услубий таъминотини нималар ташкил этади?
3. Давлат таълим стандарти қандай ҳужжат? Уни такомиллаштириш бўйича қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?
4. Фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий таъминотига нималар киради ва уларнинг таълимдаги ўрни қандай?
5. Ўқув дастурининг қандай турлари бор, уларга нималар асос бўлиб хизмат қилади?
6. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг фарқи нимада?
7. Ўзбек тили таълимидаги мавжуд муаммолар ҳақида сўзлаб беринг
а. ва уларга ўз муносабатингизни билдиринг.
8. Методика фанининг олтин қоидаси нимадан иборат?
9. Таълимий мақсадда нималар кўзда тутилади?
10. Тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда-чи?
11. “Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш” деганда нимани тушунасиз?
12. “Ўқув диалоги ва полилоги” деганда нимани тушунасиз?
13. Сизнинг тасаввурингизда, бугунги кун ўзбек тили ўқитувчиси қандай бўлиши керак?

Адабиётлар

- Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
- Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ, 2002. – 336 с.
- Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
- Рафиев А., Ҳамдамова М., Қаҳҳорова Ҳ. Ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – 14 б.

5. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
6. Лафасов Ў. П., Исмоилов А. Қ., Мадвалиев А. П. Ўзбек тили (университетлар ва институтларнинг русийзабон гуруҳ талабалари учун дастур). – Тошкент: ТДШИ, 2006. – 16 б.
7. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. –Жиззах, 2006.
8. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
9. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Т.: Фан, 2006.
10. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006.
11. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
12. Юсупова Ш. Она тили ўқитиш мазмуни. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.
13. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
14. Юсупова Ш. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси. – Андижон, 2008.
15. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари (монография). – Т.: Фан ва технология, 2008. – 238 б.
16. Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа (монография). – Т.: “Мумтоз сўз”, 2009.
17. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
18. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
19. Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Т.: Баёз, 2010.
20. Юсупова Ш. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (амалий ва лаборатория машғулотлари учун ўқув қўлланма). – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
21. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (монография). – Т.: Фан ва технология, 2012. -214 б.
22. Юсупова Ш. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури (ўқув-услугий қўлланма). – Т., 2013.
23. Yo‘ldoshev R. A. Ta‘lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. – Т., 2015.- 157 б.

24. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар / Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа). - 2016.

2-МАЪРУЗА: Тил таълими методлари ва методологияси. Замоनावий таълим методлари ва педагогик технологиялар. Ноанъанавий дарс шакллари. (2 соат).

Режа:

- 2.1. Тил таълими методлари ва методологияси.
- 2.2. Замоनावий таълим методлари ва педагогик технологиялар.
- 2.3. Таълимнинг ноанъанавий шакллари

Таянч тушунчалар: метод, методология, методика, технология, таълим технологиялари, таълим шакли ва воситалари, анъанавий ва замоनावий таълим методлари, ҳамкорлик методлари, таълимнинг ноанъанавий шакллари, ноанъанавий дарс шакллари.

2.1. Тил таълими методлари ва методологияси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топишига ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади»⁷ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу боис ҳозирги кунда таълим жараёнида янги инновацион педагогик ва ахборот технологияларини, интерактив методларни қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор борган сари кучайиб бормоқда. Замоनावий педагогик ва ахборот технологиялари ўқувчи-талабаларнинг эгаллаётган билимлари мустаҳкам бўлишига, уларнинг мустақил изланишларига, қўшимча адабиётлардан фойдаланишга ҳаракат қилишлари, лингвистик материалларни қиёсий таҳлил қилиш ва улар асосида хулоса чиқара олишга ўргатади. Бунда анъанавий таълимдаги каби ўқувчини тайёр билимларни эгаллашга эмас, балки бошқарувчи, йўналтирувчи сифатида шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шарт-шароит яратилади, натижада ўқувчилар ва талабалар таълим жараёнининг эшитувчи пассив объектдан фаол субъектига айланадилар.

Бизда узоқ муддат ўқитувчи таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида, ўқувчи ёки талаба эса ана шу жараённинг пассив объекти сифатида фаолият юритиб келди. Хусусан, ўзбек тили дарсларида узоқ йиллар

⁷ Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим меъърий ҳужжатлар тўплами, 1-қисм.- Т.: “Шарқ”, 2001. - 19-б.

давомида ҳукмронлик қилган репродуктив, яъни берилган матнни қайта ҳикоя қилиш, сўзлаб бериш, тайёр машқларни, мисолларни таҳлил қилиш усули ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини амалда мустақил қўллаш кўникмаларини яхши ривожлантирмади. Шу боис таълим методларига жиддий эътибор бериш ҳозирги кун талабига айланди: республикамизда таълим соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар нафақат дарсликлардаги машқларнинг топшириқларини тубдан ўзгартиришни, балки ўқувчи ва талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган янги педагогик технологияларни дарсларга тадбиқ этиш заруриятини ҳам келтириб чиқармоқда.

Маълумки, билим бериш, ўқитиш “таълим жараёни” деб, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фан эса “методика” деб юритилади. Таълим жараёнида мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари эса метод демакдир. “**Метод**” юнонча сўз бўлиб, “**йўл**” маъносини ифодалайди ва объектив борлиқдаги предмет, ҳодисаларни, яъни тадқиқот манбаини илмий таҳлил қилиш, ўрганиш орқали унинг моҳиятини, табиати, таркибий қисмларини, муайян ўзига хос хусусиятларини топиш, очиш, улар ҳақида илмий хулосалар, умумлашмалар чиқариш усулини англатади.

Таълим усули ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятлари бўлиб, у ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш йўллариини англатади.

Шуниси равшанки кўпроқ ҳамкорликда ишлаш услублари энг самарали услублар ҳисобланади. Ўқувчилар ҳам смарали ўзлаштиришлари учун ҳам шахсий, ҳам жамоавий бўлиб ишлаш қобилиятларини шакллантиришлари лозимдир. Индивидуал ўрганиш услублари кўп бўлиши билан бир қаторда баъзи индивидуал шахслар устунлиги муайян бир услубда ўз аксини топади. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни ҳавола қиламиз:

- Визуал
- Ешитиш
- Кинестетик

Визуал услубда ўрганувчилар маълумотларни кўриш орқали, эшитиш услубида ўрганувчилар эшитиш орқали, кинестетик ўрганувчилар эса баъзи жисмоний ҳаракатлар (предметларни ушлаб кўриш, бирор иш ҳаракатни бажариш ёки ҳис қилиш) орқали ўрганишни афзал кўришади.⁸

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай кечиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш, қай тарзда олиб бориш кераклигини белгилаб беради. Бугунги кун ўқитувчиси ҳар бир машғулотга кирар экан, ҳар доим унинг олдида дарсни қандай ташкил этиш керак, қайси дидактик материалдан қай тарзда фойдаланиш керак, ушбу мавзунини ўтишдан қайси методлардан фойдаланиш самарали бўлади деган савол туради. Дарсда кўзда тутилган таълимий-тарбиявий мақсадларга эришишда ўқитувчининг ўз мутахассислиги доирасидаги чуқур

⁸ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.18

билими, интеллектуал салоҳиятининг ўзи етарли эмас. Ўқитувчи, шунингдек, ўз тажрибаси, ўзгалар тажрибасига суянган ҳолда дарс ўтиш методлари устида ҳам жиддий бош қотириши керак.

Демак, ўқув фаолияти мазмунининг тўлақонли ёритилишида **таълим шакли, метод ва воситаларининг** аҳамияти катта. Улар ўқувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим ва кўникма ва малакаларини кўрсатиб бериш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самарали, илғор, ноанъанавий таълим шакли, методи ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади. Бунда, албатта, ўқитувчининг ўрни ниҳоятда катта, чунки, у ДТС, ўқув режаси дастури, шунингдек, дарслик, қўлланмаларда белгилаб берилган муайян мавзу ҳамда фаннинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва кизиқишдан келиб чиқиб, таълим методлари ва дарс шакллари ўзи танлайди. Бунда ўқитувчининг билим ва малака даражаси, дунёқараши, ижодкорлиги, вазиятни баҳолай олиши ҳамда унга мувофиқ тезкор ҳаракат қила олиш лаёқати муҳим ўрин тутди.

Демак, методлар ўзининг объектив ва субъектив жиҳатларига бўлиб, унинг объектив жиҳатларида барча дидактик қоидалар, қонунлар ва қонуниятлар, тамойил ва таърифлар, шунингдек, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар акс этса, субъектив жиҳатларига педагог шахси ва таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари конкрет шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Методология эса тадқиқот манбаини қандай тушуниш, уни ўрганишга қандай ёндашиш, қайси усулларни қўллаш, тадқиқот объекти юзасидан умумий назарий, амалий, мантиқий ёки тавсифий билимлар ҳосил қилиш ҳақидаги таълимот.

Бошланғич мактаб ўқув режасида олти асосий методология мавжуд:

1. Сухбат ва мунозара

Бу методология ҳар қандай каррикула учун асосий ҳисобланади. Бу методология орқали ўрганиш асосан тажриба ва мулоқот орқали амалга ошади.

2. Фаол ўрганиш

Ўқувчи ўз ўрганиш программасида фаол бўлиб қолиши керак. Бу методологияда кенг кўламдаги ўрганиш амалиётида фаол қатнашиш имконини беради. Ўқувчилар муайян топшириқ ва ўқитиш стратегияларига нисбатан турлича муносабат билдиришга чақирилади. Ўқитувчи ўқувчилар билим олиш жараёнидаги ривожланишнинг маълум бир босқичини танлай олиши керак ва ўқувчиларнинг билим олиши самарали кечиши учун шунга мос фаолиятлар кетма-кетлигини таъминлаш керак.

3. Ҳамкорликда ўрганиш

Оқувчилар бу методологияда бошқаларнинг фикр ва ғояларни тинглаб кейин шуларга нисбатан муносабатини билдиришдир. Ҳамкорликда ўрганиш орқали ўқувчилар бошқаларнинг муаммолари ва тушунчалари билан таништирилади. Ҳамкорликда ишлаш бу ўқувчининг ижтимоий ва шахсий ривожланишини таъминлайди.

Ҳамкорлик методологийнинг асосий таркибий инноватсион қисмлари:

- Тематик интеграллашган каррикула
- Тилни ўқитиш
- Танқидий фикрлаш
- Фаол ўқиш кўникмаси
- Ёзиш жараёни
- Ашёвий базага асосланган математика (муаммони бартараф қилиш)
- Билим оловчи гуруҳлар
- Ҳаққоний, бажарилган ишига қараб баҳоланадиган асисмент

4. Муаммони бартараф этиш

Юқори саъвияни талаб қилувчи фикрлаш турлари яни жамлаш, таҳлил қилиш, тузатишлар киритиш бу муаммони бартараф қилиш методологияси орқали ривожлантирилади. Кузатиш, далил асосларни таққослаш ва баҳолаш, муҳим маълумотни англай олиш каби топшириқ ва машқлар ўқувчиларда асосли қарорлар чиқаришга ёрдам беради.

5. Маҳорат (турли вазиятлараро)

Ўрганилган билим ва кўникмаларни амалда қўллаш ҳар қандай каррикуланинг асосий мақсадларидан биридир. Ҳар бир каррикула ўқувчиларда ўзларига нотаниш бўлган муаммоларни ҳал қилиш усулларини ўргатади. Агар ўқувчи ўзи ўрганган билим ва кўникмаларни турли хил вазиятларда қўллай олса бу ўқитишнинг самаралилигини билдиради.

6. Атроф муҳитдан фойдаланиш

Ўқувчилар ўзлари яшайдиган муҳит ва бу муҳитда яшайдиган кишилар билим олишнинг энг самарали асослари ҳисобланди. Бу ҳолат уйдан бошланиб кенгайишда давом этади яъни бола улғайиб бориши билан мактабан коллежга, коллеждан университетга ўтиш жараёни ҳисобланди.

7. Интеграция

Интегратсия бу каррикулалараро ўрганиш демакдир. Бунда ҳар хил каррикуладаги фанлар бир-бирига мос келмаслиги аҳамиятсиз. Бундан асосий мақсад ўқувчи турли каррикулалардаги фанлар ўртасида боғлиқликни белгилайди. Бу турдаги амалиёт ўқувчига кенг кўламдаги билимлар олишга ўз ҳиссасини қўшади.

8. Дифференциялаш

Бу термин ўқитувчилар томонидан фойдаланиладиган стратегияларни изоҳлайди ҳамда ўқитиш мақсадига кўра фарқларини кўрсатиб беради. Дифференциялаш ҳар ҳил қобилиятли гуруҳ ўқувчиларига нисбатан қўлланиладиган ўқитиш услубларини мослаштиришга ҳам ҳизмат қилади. Ўқитувчилар фойдаланадиган дифференциялаш турлари қуйидагича:

- Ўқитиш суръати бўйича
- Ўқитиш услублари бўйича
- Кўмаклашиш бўйича: гуруҳдаги айрим талабалар билан қўшимча кўпроқ ишлаш
- Манбалар бўйича
- Топшириқлар бўйича: турли қобилиятли ўқувчиларга турли топшириқлар белгилаш
- Натижалар бўйича: эркин ҳулосага эга бўлиши мумкин топшириқлар белгилаш, ўқувчиларга турли даражада муносабат билдиришга имкор бериш
- Гуруҳларга ажратиш бўйича

Самарали дифференциялаш бу ҳар бир ўқувчининг индивидуал характерини ҳисобга олган ҳолда амалга ошади ҳамда ўқувчининг ўзига бўлган ишончини орттириш, уларнинг қилаётган ҳаракатларининг ҳам маъноси борлигини уларга аниқлаш ҳам демакдир.⁹

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади” деб қайд этилган¹⁰. Шу боис, ҳар бир фаннинг ривожини уни ўқитиш, ёш авлодга сингдиришнинг самарали усул-воситаларини ишлаб чиқишга ҳам боғлиқдир.

Ўқитиш методларининг энг асосийлари қуйидагилар:

1. Анъанавий методлар. Бу методларга амалий, кўргазмали, ифодали, китоб билан ишлаш ва видео методлар киради

2. Мақсадига кўра методлар қуйидаги турларга бўлинади:

* *билимларни эгаллаш;*

* *малака ва кўникмаларни шакллантириш;*

* *билимларни қўллаш;*

* *ижодий фаолият;*

* *муштаҳкамлаш методлари;*

* *билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари киради*

⁹ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.22-24

¹⁰ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Олий таълим меъърий хужжатлар тўплами, 1-қисм, Т., “Шарқ”, 2001 йил, 55-бет.

3. Идрок этиш-билиш фаолияти характерига кўра методлар куйидагича тавсифланади:

* *рецептив тушунтириш* иллюстратив (ахборот) методи. Бунда билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок (рецепсия) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

* *репродуктив метод*: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади, уларни тушуниш ва эслаб қолинишига эришилади ҳамда тез-тез такрорлаш йўли билан билимлар мустаҳкамланади.

* *муаммоли баён қилиш методи*;

* *қисман ижодий (эвристик) метод*: билимлар мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади;

* *тадқиқий метод*: муаммо белгилаб олинади, билим тадқиқот жараёнида эгалланади.

Таълим жараёнида ўқитиш методлари марказий ўрин эгаллайди. Таълим шакли, воситалари, методлари синфдан синфга, босқичдан босқичга ўтган сари оддийдан мураккабга қараб ўстириб борилган ҳолда қўлланилиши керак. Чунончи, таълимнинг куйи босқичларида кўпроқ расмлар, нарис-буюмларнинг ўзидан фойдаланилса, ўрта ва юқори синфларда турли жадваллар, чизмалардан, видео ва видео лавҳалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, ўрта мухсус ва олий таълимда эса таълим жараёнида кодоскоп, слайд, компьютер, интернет каби замонавий ахборот воситаларини янада кенгрок қўллаш тавсия этилади.

Дарс жараёнида бир эмас, бир неча методлардан фойдаланиш мумкин, ушбу методларнинг тўғри қўлланиши машғулотнинг илмий-назарий самарадорлигини оширади, ўқувчи-талабаларни ақлий ва илмий жиҳатдан фаоллаштиради. Турли хил педагогик вазиятларда ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг фаолияти фикрларининг ўзгариб, авлмашиниб туриши, албатта, дарс методларининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Бу пировард натижада ҳар бир дарснинг бошқаларига ўхшамаган шаклда, ўзига хос тарзда ташкил этилишига ёрдам беради ва ўқувчи-талабаларда ушбу фанга қизиқиш, янгиликларни илғаб олишга интилиш ҳиссини уйғотишга олиб келади.

Айниқса олий таълим босқичида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интеллектуал методлар, инновацион технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий фикрлаш қобилиятларининг ривожланишига, етук мутахассис бўлиш учун керакли касбий фазилатларга эга бўлишга олиб келади. Кадрларни шу тарзда тайёрлаб бориш таълимнинг куйи босқичлари учун юксак педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни, ўз соҳасининг билимдон кадрлари билан таъминланишига ёрдам беради ва бу ўз-ўзидан таълим сифатининг яхшиланишига, самарадорликнинг ўсишига олиб келади. Чунки мактабда фан асослари ўрганилса, яъни умумий таълим берилса, олий таълимда талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтисослик бўйича таълим

олади. Шунинг учун ҳам олий мактабдаги методлари билимларни етказиш ва англашнинг усулларигина эмас, балки фан тараққиёти жараёнига тобора кириб бориш, унинг методологик ва ғоявий асосини очиш методи ҳамдир.

Айтилганлардан шуну хулоса қилиб айтиш мумкинки, **таълим методи** – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, **таълим методикаси** эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди.

2.2. Замоनावий таълим методлари ва педагогик технологиялар

Сўнги ўн йил давомида нутқимизда **“педагогик технология”**, **“замоनावий педагогик технология”**, **“ўқитиш технологияси”** каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. “Таълим технологияси” тушунчаси “таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмунини англатади. Бунда таълим жараёни аввалдан лойиҳалаштирилган яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга оширилади, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш ифодаланади.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “*techne*” - маҳорат, санъат ҳамда “*logos*” – тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. “Таълим технологияси” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “*an educational technology*”) таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади¹¹. Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи яримдан бошлаб асосланиб келинаётган бўлса-да, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд:

“Педагогик технология” - бу “амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” (В.П. Беспалько)¹²

“топшириқли ёндашув” (Т.Н.Балло)

“босқичли ўқитиш” (В. Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдов)

“мазмунли умумлашма” (Г.К.Селевко)

“фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан” (Н.Ф. Талызина)¹³.

¹¹ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари, Т., “Фан”, 2006 йил, 13-бет.

¹² Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989.

¹³ Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – Москва: Изд-во МГУ, 1984. –с. 13.

“педагогик технология таълим тизими доирасида олиб борилаётган тадқиқот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир” (П.Митчел)

Замонавий педагогик технологиялар мажмуавий узвий боғлиқликдаги тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштиришга, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Бунда таълим мақсадларининг белгиланиши, яъни таълим *кимга ва нима мақсадда?* берилиши, мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиш, яъни *нимани?* бериш, таълим жараёнларини *қай тарзда?* ташкил қилиш, таълим методи ва воситаларини аниқ белгилаб олиш, яъни *қандай воситалар ёрдамида* таълим бериш, шунингдек, ўқитувчилар малакаси даражаси, яъни *ким?* таълим бериши, эришилган натижаларни *қандай йўл билан?* баҳолаш методлари¹⁴ марказий ўринни эгаллайди.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган методлар ва методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда, яъни анъанавий дарс шакллари билан бирга баҳс-мунозара, конференция дарслари, иш ўйинлари, ҳамкорликда ўтказиладиган турли дастурлардан фойдаланиш лозим.

Кўп турли интеллект

Анаънага кўра мактаблар мантиқий ҳамда лингвистик интелектни ривожлантиришга урғу беради. Кўп турли интелектлилик бу психологик ва тарбиявий назария бўлиб психолог Ховард Гарднер томонидан шакллантирилган ҳамда унинг таъкидлашича инсонларда турлича интелект намуналари мужассамлашган. Гарднер таъкидлашича ҳар бир индивидуал шахс ҳар хил даражадаги интелект намуналарини намоиш қилади ва кишидаги ўзига хос фазиларлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахснинг ўз образи вужудга келади.

Гарднер назарияси бўйича ўқитувчилар дарс жараёнида қоллайдиган методологиялар, ёндашувлар ва турли фаолият нафақат мантиқий, лингвистик интелект даражаси юқори бўлган талабалар учун, балки ҳамма талабаларга нисбатан қаратилган бўлса талабаларнинг билим олиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу назария биринчи марта Гарднернинг ишларида 1983 йилда акс этган. Гарднер бу борада этти хил интелект намуналарига изоҳ келтирган.

¹⁴ Толипов Ў.К., Усмонбоева М.. Ўша манба, 54-бет.

Лингвистик интеллект кишиларга тил билиш орқали ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш имконини беради. Бундай кишилар бошқалардан фарқли ўлароқ айрим қийин концепсияларни тушуниб уларни сўзларга айнтирислантира олиш имкониятлари мавжуд. Бунга мисол қилиб шоирлар, журналистлар, ёзувчилар ҳамда нотикларни олсак бўлади.

Мантиқий-математик интеллект кишиларга мавҳум муносабатларни тушунишга ёрдам беради. Бу каби концепсиялар ҳақиқий ҳаётда мавжуд бўлмайди аммо ақл идрок ёрдамида фараз қилиши орқали вужудга келади. Бунга мисол қилиб олимлар, математиклар ва файласуфларни олсак бўлади. Бундай кишилар ўзларида бор мантиқий-математик интелектга таянган ҳолда айрим чигал муаммоларнинг турли эчимларини фараз қилиш ёрдамида топишади.

Хотира интеллекти кишиларга хотирасидаги маълумотларни сўзлар шаклида эмас балки расм-кўринишларда ифодалаш имконини беради. Бунга мисол қилиб архитекторлар, ҳайкалтарошлар, муҳандислар, кино ижодкорлар ва дизайнерларни олсак бўлади.

Кинестетик интеллект кишиларга муаммоларни эчишда ўз тана(қўл ва оёқлари) қисмларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Муסיқа интеллекти кишиларга товушларлардан келиб чиқадиган маъно ни илғашга, тушунишга имкон беради. Бундай кишилар рақамлар, сўзлар ва расмлардан кўра кўпроқ мусиқавий ноталарни тез тушуниб олишади.

Интер-персонал интеллект (Кишилараро муносабатлар) кишиларга бошқа кишиларнинг ҳиссиётлари ва интилишларидаги ўзгаришларни пайқаш имконини беради. Гарднернинг фикрича бу каби кишилар бошқаларнинг кайфиятларидаги, характеридаги ўзгаришларни ҳамда мотивация, истак ва интилишлари қай тарафга қаратилганликларини тўғри таҳлил қила олишади. Бунга ёрқин мисол қилиб ўқитувчилар, ота-оналар, сиёсатшунослар, психологлар, савдо-сотик ходимларини олсак бўлади.

Интра-персонал интеллект (Ўзликни англаш) кишиларга ўзларида мавжуд бўлган қобилиятларни ишга солиб келгусидаги ҳаёт йўлларини тўғри танлашда ёрдам беради. Бу каби кишилар ўзларининг тажрибаларидан (салбий ҳамда ижобий) ва ўз талантларидан самарали фойдалана олишади.

Натуралистик интеллект ўзаро муносабатларда таъсирчанлик хусусиятларини намоён қилади. Атроф муҳитга мутлақо бефарқ бўлмаган ҳамда табиат ҳодисаларига боғлиқ тушунчаларни тўғри талқин қиладиган кишилардир. Бунга мисол қилиб фермерларни, боғбонларни, ботаникларни, геологларни ҳамда археологларни олишимиз мумкин.

Эгзистенциал интеллект (ҳақиқийлик оид) орқали кишилар ҳаётдаги ҳақиқийлик ва ўлим тўғрисидаги философфик саволларга урғу беришади ҳамда бу муаммоларни кўтариб чиқади.¹⁵

¹⁵ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.19

Маълумки, таълим жараёни икки томонлама характерга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тенг муносабатларидан ташкил топади. Бу жараёнга раҳбарлик қилувчи ўқитувчи таълим жараёнининг тўғри ташкил этилиши, таълим мақсадларининг тўғри амалга оширилиши ва таълим натижалари учун жавобгар шахс ҳисобланади. Аммо бу, таълим жараёни ўқитувчининг тўлиқ ҳукмронлиги остида амалга ошадиган жараён, деган нотўғри фикрнинг туғилишига асос бўла олмайди. Таълим жараёни ўқувчиларнинг фан асосларини ўзлаштиришларига оид механизмгина бўлиб қолмасдан, балки шахснинг умумий ижтимоий-маданий қобилиятларини таркиб топтиришга ҳам қаратилишини унутмаслик лозим. Ҳозирги давр талаби ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабати ёрдамида ижобий натижага эришишдир. Ҳамкорлик характериға кўра методлар:

- нофаол - ўқитувчининг авторитар фаоллиғига асосланади;
- фаол - ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар ҳамкорлиғидан ташкил топади;
- ўқувчи-талабаларнинг ўзаро ва ўқитувчи билан ҳамкорлиғидан иборат бўлади.

Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлиги ўқитувчининг ўқувчиларга кўрсатадиган ёрдамидан бошланди. У аста-секин фаоллашиб, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик позициясига ўсиб ўтади. Таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиши катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг таълимга қай даражада ихлос қўйиши ўқитувчининг мана шу ҳамкорликни ярата билиш маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятидаги муҳитнинг тўғри уюштирилиши ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширади, уларни бутун куч ва ғайратини сарфлашга ундайди. Ижодий топшириқлар ҳамкорликда бажарилгандагина билимларни ўзлаштириш самарали бўлади. Ўқитувчининг ўрганилаётган фан бўйича қайсидир бир маълумотга аниқлик киритиш пайтида ўқувчиларга ёрдам сўраётгандай мурожаат қилиши ҳамкорлик фаолиятини янада чуқурлаштиради.

XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлаган ҳамкорлик педагогикаси таълимда кўпгина инновацион жараёнларни юзага келтирди. Ушбу технологиялар негизда К.Д.Ушинский, Н.П. Пирогов, Л.Н. Толстой, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шаший, В.А.Сухомлинский каби таниқли педагогларнинг тажрибаси ётади. Таълим жараёнида ўқувчи билан ҳамкорлик муносабатини ўрнатишда ижодкорликнинг ўрни жуда муҳим. Ижодкорлик ва ўзаро ҳамкорлик бири-бири билан мустаҳкам боғлиқ. Зеро, фақат ижодкорлик асносидагина ҳамкорлик вужудга келади ва мана шу ҳамкорликда ижодкорлик ўз ифодасини топади.

Педагогик ижодкорликни фақатгина янгиликка, тажрибалар ўтказишга интилиш деб тушунмаслик керак¹⁶. Ўқитувчи ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан бирга диагностик вазифани ҳам

¹⁶ Қаранг: Аманашвили Ш.А. Воспитательная и образовательная функция и учения школьников, - М., «Педагогика», 1984.

бажаради, яъни ўқувчиларнинг сўз бойлиги, қизиқиш доирасини аниқлайди, иқтидорини чамалайди. Ўқувчиларни ўрганувчи ва тарбияланувчига айлантириш ўқиш-ўқитиш жараёнини муваффақиятли олиб боришнинг асосий шарти бўлибгина қолмай, балки уларни ҳар жихатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг ҳам муҳим шартидир.

Ҳамкорлик методида мулоқотга кириши қийин бўлган камгап ўқувчилар ҳам суҳбатда иштирок этишларига эришилса, ҳамкорлик тўлақонли амалга ошади. Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш малакалари ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи учун, гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади, гуруҳ учун масъулиятни ҳис қилади; ҳар бир ўқувчи раҳбарлик ролини бажариши учун имкон берилади ҳамда ўзаро дўстона муносабат шакллана боради.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино таълим-тарбия масалаларига доир асарларида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларига катта эътибор қаратган. Буюк олим ўқитувчини танлаш масаласига алоҳида аҳамият беради. Ибн Сино ёш авлод ва унинг тарбиячиси ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш учун ўқитувчи қуйидаги бир қанча талабларга риоя қилиши лозимлигини кўрсатган эди:

- болалар билан муомала қилишда босиқ бўлиш;
- таълимнинг ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштириб олинаётганлигига алоҳида эътибор бериш;
- таълим жараёнида турли метод ва усуллардан фойдаланиш;
- ўқувчининг хотираси ва бошқа интеллектуал қобилиятини билиш;
- ўқувчиларни турли усуллар воситасида ўқишга қизиқтириш;
- баён қилинадиган масаланинг моҳиятини чуқур тушуниши, ўз фикрларини адабий тилда қисқа ва аниқ ифодалаш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёши ва ақлий даражасига мос сўзларни танлаш;
- ҳар бир сўз ҳаракат ва мимика билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур.

Ҳамкорликда ишлашда, авваламбор, иштирокчиларнинг жойлашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иштирокчиларга “*Юзма-юз ўтириш имкони*”ни бериш мақсадга мувофиқ. Жуфт бўлиб ёки гуруҳ бўлиб ишлаганда ўқувчилар юзма-юз, яъни бир-бирларига қараб ўтиришлари керак. Шу ҳолатда ўзаро фикрлашиб, баҳслашиб, қарорлар қабул қилишлари осонлашади, бир-бирини эшитиш, тинглаш малакалари шаклланади). Психолог олима В.Каримова иштирокчиларда масъулият ҳиссини уйғотиш, эркин мулоқот олиб бориш ва фикрларини эркин баён қилишга имкон берадиган ўқувчиларнинг қуйидагича жойлашувларини тавсия этади¹⁷. Бу ҳолат “*Мен ўйиндаман*” деб номланади, доира шаклидаги стол атрофида жойлашган иштирокчилар муаммо юзасидан эркин фикр алмашадилар ва мунозарага киришадилар ҳамда тенг муносабат ўрнатади. Бундай ҳолат ўйин тарзида амалга ошадиган мунозара учун ҳам жуда қулай. Бундай

¹⁷ Қаранг: Каримова В. Психология. – Т., 2002, 203-б.

ҳолатда “бошловчи” ёки ўқитувчига барча ўқувчилар билан мулоқот қилишга ва барча ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга имкон беради.

“*Мен мунозарадаман*” деб аталувчи ҳолат тўртбурчак стол атрофида уюштирилади баҳс мунозара учун қулай. Унда иштирокчилар ўз фикрини эркин аташ имкониятига эга. Одатда бундай баҳслар синф хонасида ўқувчиларнинг бундай жойлашуви баҳс-мунозара ўтказишда, “*Меҳмон-стикер*” методидан фойдаланишда ҳамда “*Ўқиб кўр-чи*”, “*Давом эттир*”, “*Сирли сўз*”, “*Ўйин-топишмоқ*”, “*Пантамимо*” ўйинларини ўтказиш жараёнида барча ўқувчиларни фаол иштирок этишга ундайди.

“*Мен ҳамкорликдаман*” деб номланган ҳолат кўп сонли гуруҳларда қўллаш учун қулайдир. Мунозара иштирокчилари тўрт-беш кишидан бўлиб, алоҳида столлар атрофида ўтирадилар ва ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради. Бу ҳолат ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, алоҳида топшириқ бериладиган ўйинлар (“*Сўз ўйини*”, “*Жонли ҳикоя*”, “*Кроссворд*”, “*Ребус*” ёки “*Кластер*”, “*Синдикат*”) методларини қўллаш учун қулай ҳисобланади.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқувбилиш фаолиятининг ташкил этилиши, ўқув ахборотларининг узатилиши, қабул қилиниши, англаб олинishi, ёдда сақланиши, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- вербал (ўқув ахборотларни сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари ёки оғзаки методлар – ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар);

- ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали методлар – тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар);

- ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар – машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Ўйинлар болаларда ҳар қандай ўқув режаси бўйича мотивация уйғотадиган асосий стратегия бўлиб қолиши мумкин.

Агар ўқитувчи дарсни “биз бугун дарсда ўйин ўйнаймиз” деб бошласа бутун аудиторияни ўзига қаратиш эҳтимоли кўпроқ. Бу ерда ўйин ўқувчиларнинг диққатини тортишга ҳамда бу орқали кўпроқ билим олиш эҳтимолини оширади.

Ўйин дарсининг умумий мақсади бўлган билим ва кўникмаларни бевосита таништириши мумкин ёки шу дарс амалиётига мансуб фазилатларни шакллантириш мумкин. Яна қўшимча қилиб айтганда ўйинлар қўшимча мотивация берувчи омил деб ҳам ҳисобланади.¹⁸

¹⁸ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.31

Ўқитишда бирор аниқ ўйин турларини танлаб олиш мушкул.

“Ўйинни осонгина изохлаш қийин, чунки ўйинлар бирор мавзуга боғлиқ бўлади ва мавзулар ҳаммавақт ҳар хил бўлади. Ўйин турлари жуда кўп, мисол учун рўлларга киришиш, тасаввурий, ижтимоий-драматик, эвристик, констрактив, фантазияга доир кабиларни айтиб ўтиш мумкин.”

Муайян ўйин фаолияти юқорида келтирилган ўйин турларидан бир нечтасини бир вақтда ўз ичига олиши мумкин.

Ўқитувчи ўйин фаолиятини амалда қўллашда ўқувчиларнинг қай мавзудаги ўйинга қизиқишини ҳам ҳисобга олиши керак бўлади. Ўқитувчи дарс жараёнини режалаштиради, уни йўналтиради ва ўқувчини қўллаб қувватлайди аммо натижасини назорат қилмайди. Ўйин фаолияти жараёнида ўқувчи албатта мавзудан ўзига керакли билимни олади аммо бу ҳамма вақт ҳам амалга ошмаслиги мумкин. Ўйин давомида ўқувчи у ўрганиши кўзда тутилмаган нарсаларни ҳам ўрганиши мумкин ва албатта бу ҳам фойдадан ҳоли эмас. Ўқитишда қайси ўйин турларидан фойдаланиш ҳақидаги мунозаралар борасида қуйидаги ўйин турларини изохлаб чиқамиз.

- Тасаввурий ўйинлар

Тасаввурий ўйинлар ўз ичига образларга киришиш ўйинларини ҳамда ўқувчилар тасаввур қилиш орқали амалга ошириладиган ўйинларни олади. Бу амалиётда ўқувчининг тасаввур қила олиш қобилиятига урғу беради.

- Констрактив ойинлар

Бу ойин турида табиий ҳамда инсон қўли билан ясалган ўйинчоқ ва қўғирчоқлардан фойдаланилади. Бу жисмоний ўйин бўлиб бунда боланинг қай йўсинда ҳаракатлана олиши муҳим. Мисол учун кум, сув, Лего кабилар билан ўйнашдир. Бунда бола катта дунё тўғрисидагаи тушунчаларини кичик миниятура шаклида ифодалайди. Бу ҳам албатта тасаввурий ўйин десак адашмаймиз, чунки бола ҳам айрим нореал нарсаларни ўз дунёсида реалга алмаштириб тасаввур қилиши керак.

- Ижодий ўйинлар

Ижодий ўйин охирида бирор натижага эришилади. Яъни ўйин ёрдамида бола билан биргаликда бирор нарса ясалади ёки яратилади.

- Хотира ўйинлари

Бу ўйинда боланинг хотираси тилдаги қофиядош сўзларни қай дарада тушуниши, ишлатишига нисбатан синалади.

- Ҳамкорлик/рақобатли ўйинлар

Бу тоифадаги ўйинлар ҳамкорлик ўйинларида бўладиган умумий мақсадлар бўлиши ҳамда ўйинда албатта ғолиб ва мағлублар борлиги тайин ўйинлар ўртасидаги фарқлар тўғрисида фикр юритади. Бу каби ўйинларда ижтимоий омиллар ҳам ҳисобга олинади, чунки бу ўйинлар бошқа болалар ва катта ёшлилар билан ҳам алоқага киришишни ўз ичига олади.

- Еркин тарзда давом этадиган/структурали ойинлар

Бу каби ўйинларда асосий эътибор назорат борасида боради. Агар ўйин ўқитувчи томонидан назорат қилинмаса у ҳолда назорат боланинг ўзида қолади. Агар ўқитувчи ўйинни ўзи бошқарса, ўйинни муайян бир натижага йўналтирган бўлса ўйин назорати ўқитувчида бўлади. Эркин тарзда давом

этадиган ўйин албатта бола учун ўрганиш имкониятини беради ва боланинг эркинлигини сақлаб қолади, структурали ўйинларда эса натижани аниқ башорат қилиш мумкин. Пиagetнинг когнитив ўйин назариясида ўқитувчининг ролини минималлаштириш фикри илгари сурилса, Виготскийнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий назариясида эса бунинг акси назарда тутилади.

- Жисмоний ҳаракатларни ўз ичига оладиган ўйинлар

Жисмоний ҳаракатларни ўз ичига оладиган ўйинлар боланинг эрта ёшларда мускул ривожланишида ва тўғри ҳаракатланишда муҳим рўл ўйнайди. Бу бошқариладиган ўйин аммо бунда ҳеч қандай асбоб-ускунадан фойдаланилмайди. Бу ўйинда бола ўз гавдасидан фойдаланади, чирмашиб чиқиш, курашиш, эрда умбалоқ ошиш, тортиш, итариш каби машқларни бажаради. Эркин давом этадиган ўйин давомида бола ўйин майдони узра ҳеч қандай кўрсатмасиз ҳаракатланади. Агар ўйин структуралаштирилган бўлса у ҳолда бу ўйин жисмоний тарбия қарикуласидан жой олган бўлиши тайин.¹⁹

2.3. Таълимнинг ноанъанавий шакллари

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган **баҳс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси** муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, табиат кўйнида ёки бошқа жойларда дарс ўтиш, турли жойларда жонли мулоқот ўтказиш, учрашувлар ташкил этиш ўқувчиларни олинган билим ва малакаларини амалда бевосита қўллашга ва натижасини ўз кўзи билан кўришга ёрдам берувчи муҳим воситалардан биридир. Бу ноанъанавий методлари вақти-вақти билан ўқувчилар муҳим бир билим ва малакаларга эга бўлгач фойдаланиш керак.

Ноанъанавий дарс шаклларида бири эскурсия ҳисобланади.

Эскурсия бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воқеа-ҳодиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шаклидир. Эскурсиялар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилади. Эскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиб талаб этилади. Ўқувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Эскурсия якунида ўқитувчи бугунги кузатишларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб суҳбат ўтказади. Эскурсия

¹⁹ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.30-31

материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш экскурсия натижаларини самарали бўлишига ёрдам беради.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаолликка ундайди.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг интерфаол методларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш кун сайин кучайиб бормоқда. Бизга яхши маълумки, метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этилаётган таълим жараёнида қўйилган мақсадга эришиш усули саналади.

Маъруза методи таълимнинг юқори босқичларида, айниқса олий таълим босқичида кенг қўлланадиган дарс шакллари бўлиб, унинг суҳбат маъруза, муаммоли маъруза, масофавий маъруза каби турлари мавжуд.

Маъруза дарслари билимларнинг асосан ўқувчининг бевосита ўз нутқи билан талабаларга етказилиш усули бўлиб, у ўқувчида ниҳоятда кенг қамровлилик, суҳандонликни талаб этади. Маърузанинг бир маромда бориши, ундан янги фикрларнинг йўқлиги ёки ўқитувчи овози, нутқининг талабга жавоб бермаслиги талабаларни дарсдан чалғишларига ва қониқмасликларига олиб келади. Шунинг учун маъруза дарслари катта тайёргарлик талаб этади. Ҳар бир маърузачи ўқитувчи мутахассис, ўз соҳаси бўйича янгиликлардан хабардор бўлиши ва ўз маърузасида экс эттириб бориши, ўзининг нотиклик маҳорати орқали талабаларни жалб қила олиши, ҳар бир талабани ўз назаридан қочирмайдиган, энг нафаол талабани ҳам дарсга қизиқтира олиш қобилиятга эга бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун фақат яхши мутахассис, ўткир билимдон, нотик ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчи яхши методист ҳам ва аудитория қабул қилиш, кайфиятига қараб дарс бериш усулларини, методларини ўзгартириб туриши керак. Шу боис суҳбат маърузадан муаммоли маърузага ўтиш ёки аксинча дарсни муаммоли маъруза билан бошлаш ва суҳбат маъруза билан якунлаш ҳам мумкин.

Муаммоли маъруза фандаги янгиликлар, турлича қарашлар, ёндашувларни талабаларга етказиш уларни қиёслаш, таҳлил қилиш орқали мустақил фикрлашга ўзлари хулоса чиқаришга ўргатиш, шу тарзда аста-секин илмий тадқиқот жараёнига йўналтиришга ёрдам беради. Муаммоли маъруза яхши самара бериши учун талабаларга аввалдан топшириқ бериш, уларга муҳим бир мавзуларни, адабиётларни ўқиб, ўрганиб келиш топширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги пайтларда ОЎЮларда маъруза матнларини ёзма ҳолда ёки электрон версияларининг кутубхоналарга тарқатилиши, китоб шаклида чоп эттирилиши, уларда асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатларининг берилиши муаммоли маърузаларни тез-тез ўтказиб туриш учун кенг имконият яратмоқда.

Назорат саволлари

1. Метод, методика ва методология тушунчаларини таърифланг.
2. Таълим шакли ва воситалари

3. Анъанавий таълим методларига нималар киради?
4. Замонавий таълим методлари ҳақида маълумот беринг.
5. Технология, таълим технологиялари, педагогик технологиялар тушунчаларини изоҳланг.
6. Ҳамкорлик методларининг турлари ва самаралилик омиллари ҳақида маълумот беринг.
7. Таълимнинг ноанъанавий шакллариини изоҳланг.
8. Вербал методларга нималар киради ?
9. Кўргазмали методларнинг қандай турлари мавжуд ?
10. Ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлар орқали бериш қайси усуллар орқали намоён бўлади ?
11. Ноанъанавий дарс шаклларига нималар киради?

АДАБИЁТЛАР

1. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
2. To‘xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – T., 2006.
3. Юсупова Ш. Она тили ўқитиш мазмуни. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Юсупова Ш. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси. – Андижон, 2008.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
7. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОўЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
8. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (монография). – Т.: Фан ва технология, 2012. -214 б.
9. Юсупова Ш. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури (ўқув-услугий кўлланма). – Т., 2013.
10. Yo‘ldoshev R. A. Ta‘lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. – T., 2015.- 157 б.
22. Muxitdinova X. S. Til ta‘limining xalqaro kompetensiyaviy talablarini o‘zbek tiliga joriy etishga doir mulohazalar // Til va adabiyot ta‘limi, 10- son. – T., 2015. - 15-16- b.

11. Muxitdinova X.S. The Issues of Certificating and Reforming Requirements of Competence in Uzbek Language Tashkent, 2016. / International Theoretical and practical Conference EDUCATION FND SCIENCE FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT / Uzbekistan 2015, April 6-8. – T., 2015.- 102.

12. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа)/ - 2016.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

3-МАЪРУЗА: Республикамиз узлуксиз таълим тизимида: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш мазмуни ва ўзига хосликлари, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари (2 соат).

Режа

- 3.1. Таълим босқичлари узлуксизлиги ва узвийлиги
- 3.2. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилининг ўқитилиши.
- 3.3. Ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари.

Таянч тушунчалар: узвийлик ва узлуксизлик, узлуксиз таълим тизими, Нутқ фаолиятининг 4 асосий амали: ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш амаллари. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш, иккинчи тил сифатида ўқитиш.

3.1. Таълим босқичлари узлуксизлиги ва узвийлиги

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да *«Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуққ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади»* эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Маълумки, республикамизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” асосида таълим соҳасида ўтказилган ислохотларнинг бош вазифаси мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим

турларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичларига, улардан эса олий таълим босқичларига босқичма-босқич ўтилишини таъминлашдан иборат.

Аввалги таълим тизимида умумтаълим дастурларининг икки жойида, яъни таянч синфлари (1–9) таълим дастурлари билан умумий ўрта таълим ҳамда бошланғич ва ўрта махсус таълим тизими дастурлари ўртасида “узилиш”лар мавжуд эди. Бу узилишлар натижасида таълим дастурларининг узвийлиги бузилган ва таълим босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди. Шу боис “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим босқичларини такомиллаштириш масаласи қайта кўриб чиқилиб, республикада узлуксиз таълим тизимини жорий этиш учун таълим дастурларини уйғунлаштириш назарда тутилди.

Таълим босқичлариаро узлуксизликни таъминлаш

Собиқ таълим тизими


Мақтабгача таълим (6-7 ёшгача)	Умумий ўрта таълим (1-9 синфлар)	Уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими	Олий таълим	Олий таълимда н кейинги таълим	Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш
--------------------------------	----------------------------------	---	-------------	--------------------------------	---



таълим дастурларининг ўзаро уйғунлашуви

Аввалги таълим тизими

Мақтабгача таълим (7 ёшгача)	Таянч таълим (1–9-синфлар)	Умумий ўрта таълим (10–11-синфлар)	Бошланғич ва ўрта махсус касб-хунар таълими	Олий таълим	Олий ўқув юртидан кейинги таълим	Кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш
------------------------------	----------------------------	------------------------------------	---	-------------	----------------------------------	---




узилиш

узилиш

Узлуксиз таълим тизими


Мақтабгача таълим (6-7 ёшгача)	Умумий ўрта таълим (1-9 синфлар)	Уч йиллик ўрта махус, касб-хунар таълими	Олий таълим	Олий таълимдан кейинги таълим	Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш
--------------------------------	----------------------------------	--	-------------	-------------------------------	---



таълим дастурларининг ўзаро уйғунлашуви

Узлуксиз таълим тизими

Мақтабгача таълим (6-7 ёшгача)	Умумий ўрта таълим (1-9 синфлар)	Уч йиллик ўрта махус, касб-хунар таълими	Олий таълим	Олий таълимдан кейинги таълим	Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш
--------------------------------	----------------------------------	--	-------------	-------------------------------	---



таълим дастурларининг ўзаро уйғунлашуви

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да узлуксизлик ва узвийлик тушунчаларига қуйидагича таъриф берилган:

“Узлуксиз - 1. Бирин-кетин, кетма-кет, пайдар-пай. 2. Тўхтамасдан, тинимсиз, изчил равишда.”(267-б.)

“Узлуксиз таълим - Ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизим” (267-б.)

Узвийлик – чамбарчас холдаги, ўзаро боғланган, ажралмас” (266-б.)⁷

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. 267-бет

Демак, республикамизда жорий этилган 6 босқичли таълим турларининг соддадан мураккабга қараб ривожлантириб борилиши узлуксизлик, таълим дастурларининг ўзаро мазмуний уйғунликда, боғлиқликда берилиши узвийлик демакдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги ;

- «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари;

“Мақтаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури”;

Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18- сонли, “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма ҳайъат мажлиси Қарорлари;

Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга биноан умумий ўрта таълим босқичидаги барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

3.2. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилининг ўқитилиши

Ўзбек тилини республикамизнинг давлат тили сифатида қуйидаги таълим босқичларида узлуксизлик тамойили асосида ўқитилади:

1. Ўзбек тилини умумий ўрта таълим босқичида ўқитиш:

- ўзбек тилини миллий мактабларнинг бошланғич синфларида (1-4-синфлар), ўрта ва юқори синфларида (5-9- синфлар) она тили сифатида ўқитиш;

-ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида (2-4-синфлар), ўрта ва юқори синфларида (5-9 синфлар) давлат тили сифатида ўқитиш;

2. Ўзбек тилини ўрта махсус таълим босқичида ўқитиш:

- ўзбек тилини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг миллий гуруҳларида она тили сифатида ўқитиш;

- ўзбек тилини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гуруҳларида давлат тили сифатида ўқитиш;

3. Ўзбек тилини олий таълим босқичида ўқитиш:

- ўзбек тилини филологик олий таълим муассасаларининг миллий гуруҳларида она тили сифатида ўқитиш;

- ўзбек тилини филологик олий таълим муассасаларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гуруҳларида давлат тили сифатида ўқитиш;

- ўзбек тилини нофилологик таълим муассасаларининг таълим рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гуруҳларида давлат тили сифатида ўқитиш.

Маълумки, тил таълимида ҳар бир таълим босқичида маълум бир ҳажмдаги **билимларни** ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини эса ўқув дастурида кўрсатилган фонетик, лексик, грамматик маълумотлардан иборат **тил материаллари** ташкил қилади ва улар давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ҳолда ҳар бир таълим босқичи учун алоҳида тақсимланади. Таълим жараёнида ўқувчи-талабаларда ушбу билимлар асосида **нутқий кўникмалар** ҳосил қилдириб борилади. Ушбу билимлар босқичлар ўртасида тўғри тақсимланмаса, таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигига эришиб бўлмайди.

Нутқий кўникмалар нутқ фаолиятининг 4 асосий тури: **ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш** кўникмалари орқали юзага келади ва ўқувчиларнинг олган билимларини амалий нутқий фаолиятда собитқадамлик билан мустақил равишда қўллаш олиш қобилиятини - **нутқий малакани** ҳосил қилишга ёрдам беради. Таниқли психолог И.А.Зимняя таърифича, *“малака машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукамалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашувидир”*.

Ҳақиқатан ҳам, сўзлашиш, мулоқот юритиш жараёни фикрни лексик, грамматик ва фонетик жиҳатдан расмийлаштиришнинг энг самарали даражасини – юқори даражада автоматлашган нутқий кўникмаларни, яъни нутқий малака ҳосил қилинишини талаб этади. Нутқий мулоқотда нутқий малаканинг ҳосил қилиниши коммуникатив мақсаднинг асосини ташкил этади, чунки айнан тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш кўникма-малакалари орқали иккинчи бир тилда ўзаро ахборот алмашиш, оғзаки ва ёзма мулоқот юрита олиш малакаси вужудга келтирилади.

Демак, нутқий жараён бири-бирига боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир қилиб турадиган қуйидаги 3 омил: тил бирликлари ва уларнинг ўзаро боғланишини ўргатувчи грамматик **билимлар**, ушбу бирликлар ва коидаларни амалий қўллаш **кўникмалари** ҳамда ўз фикрларини янги вазиятда эркин ифодалаш учун ўрганилган билимлардан фойдалана олиш **малакаларидан** ташкил топади. Шу уч омил биргаликда амал қилгандагина нутқий фаолиятни юзага келтиради. Айнан шу омилларни босқичма-босқич ривожлантириб бориш тилга ўргатишнинг асоси ҳисобланади. Бунда

уларнинг тизимли равишда берилиши, тил бирликларининг ўзаро синтагматик ва парадигматик алоқадорликда, боғлиқликда бўлиши айниқса муҳимдир.

Нутқий мулоқот жараёнида инсон ана шу боғлиқликларни комплекс ҳолда, яъни **тинглаш, ўқиш** ва маъноларини **тушуниш** бирлигида қабул қилади. Нутқий фаолиятнинг ушбу турлари бир-бирига боғлиқ ҳолда босқичдан-босқичга ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ўзлаштириб борилиши узвийлик ва узлуксизликни таъминлайди.

3.3.Ўзбек тилини она тили сифатида ва иккинчи тил сифатида ўқитишнинг ўзига хосликлари

Таълим жараёнида бериладиган билимлар, ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларни **кимга бериш, яъни кимлар таълим субъекти эканлиги** ниҳоятда муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда тил таълимида **тилни она тили сифатида ўқитиш** ва **чет тили сифатида ўқитиш (ёки иккинчи тил сифатида ўқитиш)** алоҳида ажратиб ўрганилади. Тилни она тили сифатида ўқитишда тил ўз эгаларига, шу тилда сўзлашувчиларга ўқитилади, яъни таълим субъектлари шу тилда нутққа эга бўлган инсонлар ҳисобланади. Тил ўқитишда бу жуда муҳим бўлиб, таълим мазмунига ҳам, таълим методларига таъсир қилмай қолмайди.

Психолог олим Л.С.Выготский она тили ва иккинчи тил таълимининг педагогик-психологик усуллари бир-бирига қарама-қарши эканлиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: *“Она тилини ўрганиш пастдан юқорига, хорижий тилни эгаллаш эса юқоридан пастга йўналишида амалга оширилади”*. Буни қуйидагича шарҳлаш мумкин: пастдан юқорига йўналишида, яъни аниқ тил ҳодисалари таҳлилидан уларни умумлаштиришга қараб борилади, юқоридан пастга йўналишида эса умумлашмалардан (қоидалардан) уларнинг амалиётига ўтилади.


Демак, бериладиган маълумотлар, қоидаларнинг мазмуни, берилиш шакли ва ўрни тилнинг қайси жихатдан ўрганилаётганига кўра танланиши ва шунга мос тартибда тақсимланиши керак бўлади. Албатта, тил чет тили ёки иккинчи тил сифатида ўқитилганда билимларни лингвистик аспектдаги каби чуқур ва кенг эмас, балки коммуникатив тарзда, яъни муайян мулоқотни таъминлайдиган лексик ва грамматик минимумлар доирасида бериб борилиши тақозо этилади.

Тил она тили сифатида ўрганилаётганда тилнинг грамматик тузилиши ҳақидаги маълумотларни тизимли равишда, изчилликда ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлса, чет тили сифатида ўрганилаётганда грамматик билимларни соф амалий, яъни нутқий фаолиятни ривожлантириш мақсадига йўналтирилган ҳолда берилиши керак бўлади. Муайян бир тилда эркин сўзлашиш имкониятига эга бўлиш учун 2000га яқин сўзни билиш, яхши ўқиш ва тушуниш учун 4000–5000 атрофидаги луғавий бирликни эгаллаши лозимлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган. Айримлар бундай

минимумни катта ҳажмдаги матнларни мустақил ўқиш орқали ажратиш ва рецептив идрок қилиш мумкин деб ҳисобласалар-да, олиб борилган махсус текширувлар бу фикрни тасдиқламайди. Жумладан, психоллингвист Г.И.Богин ўз тажрибасида аниқлашича, филологик йўналишдаги факультетлар талабалари 100 ўқув ҳафтаси давомида ҳар ҳафтада 30 саҳифадан асар ўқиб, матнни қарийб ёд олиши мумкин. Бироқ бу лексик ва грамматик материални тўлиқ ўзлаштиришда унчалик катта натижа бермайди, чунки ўқиб чиқилган 3000 саҳифада барча луғавий ва грамматик бирликлар учрамайди ёки қайта такрорланмайди ¹³

Тилни чет тили ёки иккинчи тил сифатида ўқитишда асосий эътибор тилнинг нутққа боғлиқ томонларига қаратилгани учун муаммоли масалалар анчагина бўлиб, бу билан методистлар ҳам, психолог олимлар ҳам шуғулланиб келадилар.¹⁴ Психологларнинг таъкидлашича, ўқувчиларда иккиламчи тил малакасининг ҳосил бўлиш йўли бирламчи – она тили малакаси ва кўникмаси орқали юз беради. Иккинчи бир тилда сўзлаш малакасининг ҳосил бўлиши, аввало, ушбу тилда фикр ифодалашга ёрдам берувчи тил воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантириш ва нутқий мулоқот жараёнида улардан эркин ва мужассам ҳолда фойдаланиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бундай қобилият эса инсонда она тили малакалари асосига қурилган нутқий кўникмалар асосида шаклланади.¹⁵

Иккиламчи нутқий малаканинг таркибий қисмлари



Кўринадикки, иккинчи тилда нутқий фаолият малакасини ҳосил қилишда, аввало, она тилидаги бирламчи малакалар асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ бунда коммуникатив жиҳатдан зарур деб ҳисобланган грамматик билимларнигина бериш тақозо этилади ва грамматик билимлар шунга кўра минимумлаштирилиши керак бўлади.

¹³ Богин Г. И. Роль чтения в профессиональной подготовке учителя и иностранного языка // Иностранные языки в высшей школе. – Москва: 1974. – № 8. – С. 21–24.

¹⁴ Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.

¹⁵ Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – Москва: МГУ, 1998. – 268 с.

Тилни чет тили ёки иккинчи тил сифатида ўқитилишда яна 2 муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим: тилни **тил муҳити бўлмаган жойда ўргатиш** ва тилни **тил муҳитида ўргатиш**. Биринчи ҳолат хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга тааллуқли бўлса, иккинчи ҳолат бирор мамлакатда яшовчи турли тиллар вакилларига шу мамлакатнинг давлат тилини ўргатишдан иборат. Жумладан, Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар вакилларига ўзбек тилини ўргатиш ёки Россия, Ҳиндистон каби кўп миллатли мамлакатларда яшовчи турли миллатлар вакилларига рус тилини, ҳинду тилини ўргатиш каби ҳолатлар айнан шунга мисол бўла олади.

Ўзбек тилини бошқа миллатлар вакилларига ўқитиш Туркистон ўлкасида рус-тузем мактабларининг ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлиб, методист С.Назарова 1917 йилгача рус-тузем мактабларида Мулла Солихўжа Кичкинаҳўжаев, С. М. Граменицкий, Усмон Дадамухамедов, Муҳаммадрасул Расулов, Али Асқар Калинин, Саидрасул Саидазизов, Муҳаммад Амин Муҳаммад Каримов, Камолиддин Қахҳоровлар русларга ўзбек тилини ўргатиш билан шуғулланганликлари ва Туркистон ҳудудида яшовчи бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатишга бағишланган дастлабки ўқув қўлланмаларининг пайдо бўлиши айнан шу мактабларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги қайд этиб ўтган.¹⁷

Ўзбек тилини ўқув режасига асосий фан сифатида киритилиши эса 1933 йилдан бошланган бўлиб, бу даврга келиб ўзбек тили мактаблардагина эмас, балки олий ўқув юртларида ҳам ўқитила бошланди. Хусусан, Туркистон Шарқ институтида рус гуруҳлари учун махсус ўзбек тили кафедрасининг ташкил этилиши ва ҳатто махсус дастур асосида давлат муассасаларида ҳам ўзбек тилини ўрганишнинг ташкил қилиниши ўзбек тилининг рус гуруҳларида ўқитилишида сезиларли силжишлар бўлишига олиб келди.¹⁸

Кўринадики, ўзбек тилидан дастлабки ўқув дастурлари, луғатлар рус методист олимлари томонидан тузилган эди. С.Назарова ва Қ.Ҳоликбердиевлар ишларида В. Ф. Дружинин, К.С. Коблов, А.Клименко, И.А.Енилеевалар томонидан рус мактаблари ўқувчилари учун тузилган илк луғат минимумлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар берилган. Жумладан, Қ.Ҳоликбердиев таниқли турколог И. А.Батмановнинг илмий-педагогик фаолиятига *“ўз ишлари билан ўзбек тилини ўқитиш методикасини, ўзбек товушлари ва грамматик материалларни ўрганиш тартибини тўғри кўрсатиб беришга”* муваффақ бўлган олим сифатида юқори баҳо берган.¹⁹ Ҳақиқатан ҳам, И.А.Батмановнинг ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчилар учун чоп эттирган бир қатор дастур ва қўлланмалари ўша йилларда ўзбек тили таълимининг дидактик асосларини яратишда муҳим омил бўлган эди.

¹⁷ Назарова С. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –19 б.

¹⁸ Батманов Л. И. Дидактика преподавания узбекского языка русским (пособие для преподавателей). – Ташкент: Ўздавнашр, 1934. –110 с.

¹⁹ Ҳоликбердиев Қ. Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент: 1971. –21-б.

Ўзбек тили таълимининг кейинги ривожидан, албатта, истиқлолимиз билан боғлиқ. Буюк истиқлолимиз туфайли “*она тилимиз мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди*”.

Таълим ислоҳоти туфайли “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг тўлиқ жорий этилишига, ўзбек тилининг ўқитилишига жиддий эътибор берилди. Ўзбек тили таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқитила бошланди. Бу ўринда айтиш жоизки, миллий мактабларда, хусусан, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тилини ўқитиш масалалари бўйича анчагина тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, ушбу методик тадқиқотларнинг барчасида “*рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш (обучение русскому языку как второму ёки как неродному)*” атамаси қўлланиб келинади. Туб аҳоли тилини бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганилиши турли тилларда турлича номланиши кузатилади.

Жумладан, Татаристон Республикасида давлат тилини ўқитиш бўйича қабул қилинган концепцияда татар тилини татарларга она тили сифатида, татар бўлмаганларга хорижий тил сифатида ўқитиш ҳақида сўз боради.²¹ Шунга мос ҳолда таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишда ҳам “*ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш*” атамаси, кейинги йилларда эса умумий ўрта таълим босқичи ўқув дастурларида миллий мактабларда ўзбек тилини ўқитишга нисбатан **она тили** атамаси, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда эса **ўзбек тили** атамаси қўллана бошланди. Мактаб таълимида ва баъзи тадқиқот ишларида ўзбек тилини ўқитиш **давлат тили таълими** деб ҳам юритилмоқда.

Маълумки, ҳар бир тилнинг давлат миқёсидаги мақоми унинг минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ўрни, жуғрофий-сиёсий ҳолати каби қатор омиллардан келиб чиқади. Жумладан, Ўзбекистонда умумий ўрта таълим 7 тилда олиб борилиши, булар орасида қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тиллари бир оилага мансуб қардош тиллар эканлиги эътиборга олинса, уларга нисбатан ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш атамасини қўллаш ножоизлиги кўринади. Айни пайтда, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда туркий миллатлар вакиллари, ҳатто ўзбеклар ҳам таълим олаётгани ва, энг асосийси, ушбу турли миллат вакилларининг Ўзбекистонда туғилиб, республикамизда муқим яшаётганлиги ҳам назарда тутилса, ўзбек тилини иккинчи тил ёки хорижий тил сифатида эмас, айнан давлат тили сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқлиги яққол кўринади.

Демак, тилни ўқитишда, аввало, тилни **кимларга ўргатиш** ёки **кимларни ўқитиш** масаласини аниқлаб олиш, ундан кейин эса **нимани**

²¹ www.kcn.ru/school/vestnik. Попова Е. В., Шаяхметова Н. Ш., Хасанова Г.Ф. Концепция обучения татарскому языку в школе с углубленным изучением английского языка и опыт её реализации. – Казань, 2004.

бериш муаммоси ҳал қилиниши керак. Маълумки, ислоҳотдан аввал ўқишлар рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида, шунингдек, олий ўқув юртларининг рус гуруҳларида ҳам ўзбек тили дарслари она тили методикаси асосида ўқитилар, яъни миллий гуруҳлардаги она тили фани каби ўзбек тилининг барча бўлимлари: фонетика, лексика, морфология, синтаксисдан биров қисқартирилган маълумотлар берилар, бунда асосий фарқ грамматик қоидаларнинг қисқа ва асосан рус тилида ёки айрим ҳолларда ўзбек ва рус тилларида берилишида бўлар эди. Машқларда ҳам одатда соф грамматик топшириқлар бериш, терма гапларни рус тилига ёки ўзбек тилига таржима қилдириш билан чекланилар эди. Ўқитишнинг бу усули, айниқса, қоидаларнинг рус тилида ҳам берилиши натижасида русийзабон ўқувчилар грамматик қоидаларни қуруқ ёд олиш билан чекланиб, юқорида айтганимиздек, **ўзбек тилини тушунадиган, аммо ўзбек тилида гапира олмайдиган** бўлиб қолдилар. Ушбу дарсликларда ўқувчиларни нутқий мулоқотга ундайдиган, ўқувчиларда ўзбек тилида сўзлашиш эҳтиёжини юзага келтирадиган, сўзлардан сўз бирикмалари, сўз бирикмаларидан гаплар, гаплардан матнлар тузишга йўналтирадиган машқлар ва топшириқлар тизими деярли йўқ эди.

Аслида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ва рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларга ўзбек тили грамматикасини ўргатиш эмас, балки уларда ўзбекча нутқий кўникмаларни ҳосил қилдиришдир. Бунинг учун турли гап қурилмаларини ўргатиш, зарур бўлган грамматик билимларни, сўз ва сўз бирикмаларининг боғланиш қоидаларини эса нутқий эҳтиёж, фикр ифодалаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўргатиш талаб қилинади. Демак, тилни она тили сифатида ўқитиш билан иккинчи тил сифатида ўқитиш бир-биридан фарқли бўлиб, ўзига хосликларга эга.

Ҳақиқатан ҳам, тил бирликларини нутқий мулоқотда қўллаш даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум тоифаларга тақсимлаш ва шу тақсимот асосида уларни ўқув материали таркибига киритиш таълимда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигига, тил таълимининг узвийлигини таъминлаш орқали таълимни босқичлараро узлуксизлик асосида ташкил қилинишига ва таълим самарадорлигига эришишга олиб келади.

Ўзбек тили фанидан ўқув дастурлари тузишда кўп миллатли республикамизнинг умумий ўрта таълим босқичида таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, ушбу тилларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар оилаларига мансублиги, рус ва тожик тиллари ҳинд-европа тиллари оиласига, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркман тиллари ўзбек тили каби туркий тиллар оиласига кириши, грамматик тузилиши жиҳатдан ҳам рус ва тожик тиллари флексив, туркий тиллар эса агглютинатив тузилишли тиллар эканлиги эътиборга олинishi, фаол ва нофаол лексик-грамматик минимумни белгилашда эса, аввало, шунга асосланиш лозим.

Грамматик билимларни нутқий фаолиятда қўлланиш даражаси ва миқёсига нисбатан фаол ва нофаол турларга ажратиш, шунингдек, грамматик қоидаларнинг аҳамияти, ўрни ва характери масаласи методист-олимлар

ўртасида узоқ йиллардан буён муҳокама қилиниб келинади. Л.В.Шчерба, А. А.Миролубов, И.В.Рахманов, И.А.Зимняя, Е.И.Пассов, Б.А.Лapidус асарларида бу ҳақда кўплаб фикрларни учратиш мумкин. Улардан айримлари тил малакаларини такомиллаштиришда грамматик билимлардан фойдаланиш керак, аммо уларни фаоллаштириш шарт эмас деб ҳисобласалар, айрим олимлар муайян нутқий кўникма ҳосил қилиб бўлингандан сўнг бериладиган грамматик билимлардан фойда йўқ деб ҳисоблайдилар.²⁴ Биз ҳам бу ўринда кейинги фикрга қўшиламыз, чунки билим ва қоидаларни билишгина ўқувчида тўғри кўникма ва малакалар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Қоида тилда мавжуд қонуниятларни кўрсатиш ва уларни изоҳлаш, тушунтиришга йўналтиришга ёрдам беради, бироқ она тилини ўрганиш билан иккинчи тилни ўрганишда бериладиган қоидалар бир-биридан фарқланиши керак.

Кейинги йилларда кўпчилик методист олимлар томонидан грамматик билимларни нутқий намуналар (моделлар) воситасида тақдим этилиши маъқулланмоқда. Албатта, ҳар қандай нутқ учун муайян нутқий қурилмалар асос бўлиши инкор этилмайдиган ҳақиқат. Шу боис фаол грамматик минимумларни ажратишда нутқий намуналардан фойдаланиш, яъни танлаб олинган ҳодисанинг бошқа шу каби тузилмаларни ҳосил қилиши учун андоза бўлиб хизмат қила олиши муҳим бир мезон ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, иккинчи тил таълимида йўриқнома сифатидаги қисқа, аниқ кўрсатмалардан иборат қоидаларни тавсия қилиш ўринли бўлиб, уларда нутқда кўп учрайдиган (типик), нутқий фаолият учун аҳамиятга молик грамматик маълумотлар муайян қисмларга бўлинган ҳолда бериб борилиши мақсадга мувофиқ. Иккинчи тилни ўқитишда грамматик билимларни шу тарзда *“муайян дозалар билан квантларга бўлиб бериш”* назарияси 70-йилларда Е.И.Пассов томонидан илгари сурилган эди. Аммо бу грамматик билимларни қисмларга бўлиб ташланишига олиб келмаслиги, грамматик ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, мазмуний узвийлик сақланиши керак.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси ниҳоятда кенгайгани, унинг республикамизнинг расмий давлат тили сифатида халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Бироқ ўзбек тилидан ёзма нутқ саводхонлигининг сусайиб бораётганлиги, адабий тилнинг қўлланиши, нутқ маданияти масалаларида ҳам камчиликлар талайлиги таълим муассасаларимизда она тили таълимининг мукамал эмаслигини, она тилидан давлат таълим стандартлари талаблари ва ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш мазмуни ҳам, метод ва усуллари ҳам ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги бу соҳада жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади.

²⁴ Пассов Е. И. Основы методики обучения иностранным языкам. –Москва: Русский язык, 1977. –152 с.

Демак, республикамиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг илмий жиҳатдан асосланган янги концептуал тамойилларини белгилаш, она тили ва ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардир.

Назорат саволлари

1. “Ўзвийлик” ва “узлуксизлик” тушунчаларининг маъноларини изоҳланг.
2. Нима учун аввалги таълим тизимида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди?
3. Таълим узвийлиги ва узлуксизлиги қандай таъминланишини тушунтиринг.
4. Нутқий фаолиятнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот беринг.
5. Иккиламчи нутқий малаканинг ҳосил бўлиши асослари ва омиллар ҳақида маълумот беринг.
6. Тилни “она тили”, “чет тили” ва “иккинчи тил” сифатида ўқитишнинг педагогик-психологик усуллари ҳақида маълумот беринг.
7. Она тили ва иккинчи тил таълимида грамматик билим, қоида, фаол ва нофаол лексиканинг берилишидаги фарқларни тушунтиринг.
8. Нима сабабдан тилни ўқитишда, аввало, тилни *кимларга ўргатиши* ёки *кимларни ўқитиши* масаласини аниқлаб олиш, ундан кейин эса *нимани* бериш муаммоси ҳал қилиниши керак?
9. “Она тили таълими”, “Ўзбек тили таълими”, “Давлат тили таълими” атамаларини ва уларнинг қўлланишини изоҳланг.

Адабиётлар

- ¹Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами, 1-қисм.- Т.: “Шарқ”, 2001. - 19-б
- ² И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 85-б.
- ³ Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм. –Тошкент: Шарқ, 2003. –731 б.
- ³Олий таълим: Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм.– Тошкент: Шарқ,2003.– 66-70- б.
- ⁴ Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури тўғрисида. –Тошкент: Маърифат, 2004 йил 21 май.
- ⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта таълим, Ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда Олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 117/18-сонли қўшма қарори, 2008 йил 30 апрель. – Тошкент, 2008.
- ⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини

таъминлаш тўғрисида”ги 6/2 4/1- сонли қўшма хайъат мажлиси қарори, 2010 йил 1 июль. – Тошкент, 2010.

7. Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – Москва: МГУ, 1998. – 142-б.

8. Выготский Л. С. Мышление и речь // Избранные психологические исследования. – Москва: Педагогика, 1956. – 291 с.

⁹ www.kcn.ru/school/vestnik. Попова Е. В., Шаяхметова Н. Ш., Хасанова Г.Ф. Концепция обучения татарскому языку в школе с углубленным изучением английского языка и опыт её реализации. – Казань, 2004.

¹⁰ Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (олий ўқув юртларида давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. авт-ти. – Тошкент, 2005. – 23 б.

4-МАЪРУЗА: Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини тил компетенцияларининг халқаро даражаларига мувофиқлаштириш масалалари (2 соат)

Режа:

4.1. Тил таълими тамойиллари ва ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар

4.2. Тил таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси .

4.3. Давлат таълим стандартларини тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари асосида такомиллаштириш

Таянч тушунчалар: Ёндашув, тамойил, метод, усул, компетенция, коммуникатив ёндашув, компетенциявий ёндашув, халқаро CEFR даражалари, давлат таълим стандартлари талаблари, компетенциялар турлари: таянч ва хусусий компетенциялар, нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар, тил компетенцияси, сертификатлаштириш.

4.1. Тил таълими тамойиллари ва ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар

Тил нафақат инсонни, балки кишилик жамиятини ҳам барпо этган, унинг тараққиётига сабаб бўлган ва ҳозирги кунда ҳам турли мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган буюк неъмат, қудратли кучдир. Шунинг учун тилларни ўрганиш, тил таълимининг энг самарали интенсив методларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳамisha катта эътибор қаратиб келинган, тил ўқитиш методлари мунтазам такомиллаштириб борилган.

Ёндашув, принцип, метод тушунчалари амалиётда кўпинча метод ва усуллар тушунчалари билан алмаштириб қўлланади, яъни ўқитишнинг принципиал йўналишини белгилаш учун ҳам, дарс бериш методи маъносида ҳам ишлатилади. Тил таълимида ўқитишнинг принципиал йўналиши **тамойил ёки ёндашув**, метод эса **усул, услуб** тарзида талқин қилинади. Методист-олим Р.Йўлдошев фикрича, метод таълим мақсадига энг қисқа йўл ва қисқа вақт ичида эриштирадиган усул ёки усуллар мажмуасидан иборат бўлиб, бир усулдан ташкил топганида улар тенглашади, бироқ метод усулдан кенг тушунчалигича қолаверади.¹ Ёндашув методлар тизими билан иш кўради, демак, метод ёндашувдан кичик тушунча сналади. ушбу тушунчаларни фарқлашда И.Л.Бим томонидан берилган таърифни маъқуллайди: *“Метод – тил ўқитишнинг муайян тарихий даврда таълим мақсади ва ижтимоий шарт-шароитларига мувофиқлашган бирор устувор ғоя асосида бирлашган ҳолда шу ғояни рўёбга чиқариш учун қайси йўналишдан ва қайси усуллар билан бориш кераклигини кўрсатувчи принципларни жорий этишнинг умумлашган моделидир.”*² Бу ўринда, бизнингча, метод ва методика терминларининг аралаштириб юборилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” ушбу тушунчалар куйидагича изоҳланади:

“**Метод** (юнонча methods – тадқиқот усули, йўли) 1. Табиат ва жамият ходисаларини билиш, тадқиқи қилиш усули. 2. Усул, услуб” сифатида;

“**Методика** (юнонча methodika) 1. Бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш методларининг, усулларининг йиғиндиси. 2. Ўқитиш усуллари ҳақидаги таълимот.” Методик сўзи эса метод ва методикага хос, усулий маъноларини билдиради.³

Жаҳон тажрибасида тилларни ўрганишда куйидаги тамойиллардан фойдаланиб келинади:

1. Аспектлар тамойили. Ушбу тамойилда тилни унинг тузилишдан келиб чиққан ҳолда 3 аспектда: фонетик, лексик ва грамматик аспектда ўрганиш тавсия этилади. Бу тамойил нутқни ўстириш учун керакли самарали натижаларни бермайди, у асосан тилни она тили сифатида ўрганиш йўналишида қўлланади.

2. Структура тамойили. Ушбу тамойил америка структурализмининг ёрқин намояндаларидан бири Ч.Фриз томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг асосий ғояси тилларни тузилишига кўра қиёслаб ўрганиш ва ҳар икки тилда ўзаро фарқ қилувчи моделларни ишлаб чиқиш, сўнгра ушбу моделлар асосида иккинчи тилда гаплашиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эди. Аммо бу тилни механик моделларга айланттиришга олиб келди ва жонли нутқий кўникмалар ҳосил қилиш борасида самарали натижалар бермади.

¹ Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 212 б.

² Бим И.Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе: проблемы и перспективы. – Москва: Просвещение, 1988. – С.20.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 582.

3. Аспектли структура тамойили. Ушбу тамойилни “янгича аспект” деб ҳам атайдилар. Унинг асосчиларидан бири бўлган И. В. Рахманов тил ва нутқ бирлигидан келиб чиқиб, 4 та нутқ бирлигини ажратади (содда гаплар, кириш гапли содда гаплар, қўшма гаплар ва савол-жавоб тарзидаги гаплар) ҳамда уларнинг қўлланиши билан боғлиқ нутқий моделларни ишлаб чиққан. Бироқ нутқда юзага келиши мумкин бўлган барча гапларни ҳам моделлаштириб бўлмаслиги маълум ҳақиқат.

4. Трансформация тамойили. Америка тилшунос олимлари З.Харрис, Ф.Френч, Н.Хомскийлар ушбу тамойил орқали ҳар бир тилда мавжуд бўладиган базис қолипларни танлаб олиш ва уларни трансформациялаш асосида фикр ифодалашга ўрганишни илгари сурадилар. Хусусан, улар инглиз тилини ўрганиш бўйича Ф.Френч томонидан тавсия этилган 7та базис моделини кенгайтириш, ихчамлаштириш, бир-бирига қўшиш, яъни трансформациялаш асосида ўқувчиларни нутқий мулоқот юритишга олиб чиқиш тавсия этилади.

5. Функционал тузилиш тамойили. Ушбу тамойил асосида мазмундан унинг ифода шаклларига ўтиш ғояси ётган бўлиб, муайян вазиятдаги фикрни ифодалашнинг турли шаклларини кўрсатиш учун нутқий моделларни ўрганиш зарурлиги илгари сурилади. Ушбу тамойилнинг асосчиларидан бўлган И.Л.Бим нутқий моделларни нутқий-коммуникатив мақсадлардан келиб чиқиб умумлаштиришни ва тилнинг амалий қўлланишини намунавий тарзда кўрсатиб боришни таклиф этади.

6. Идеографик грамматика йўналиши. Рус тилшунослигида 80-йилларда юзага келган ушбу йўналишда (В.А.Белошапкина, И.Г. Милославский ва бошқалар) рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ҳам назария, ҳам амалиёт учун зарур бўлган лексика билан грамматика ўртасидаги алоқани кучайтириш учун грамматикани семантизациялаштириш ғояси берилди. Бунда тил ўрганувчининг коммуникатив мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўз фикрини ифодалаш учун зарурий ифода воситалари (белгилар) ни ўзи топиши, яъни мазмундан шаклга томон бориш, буни ҳатто она тили методикасида ҳам қўллаш илгари сурилади.¹

7. Коммуникатив тамойил. Ушбу тамойил тарафдорлари (Е.И.Пассов, Н.И.Жинкин ва бошқалар) иккинчи тилга ўргатишда нутқни асос қилиб олиш, тилнинг грамматик тузилиши билан боғлиқ билимларни муайян нутқий вазиятга боғлаб бориш, грамматик кўникмаларни шакллантиришда ҳам шартли нутқий машқлардан фойдаланишни тавсия этадилар.²

Кўриниб турибдики, жаҳон тажрибасида тил таълимида турли тамойиллардан фойдаланиб келинган, лекин улар орасидан энг самарадор тамойилни аниқлаш анчагина муаммоли. Таълимда қайси йўналишни танлаш, аввало, таълим мақсадларидан келиб чиқади. Таълим мақсадлари таълим мазмуни ва методларини ўзига хос тизимини ишлаб чиқишнинг бош

¹ Идеографические аспекты русской грамматики / Под ред. В. А. Белошапкиной и И. Г. Милославского. – Москва: МГУ, 1988. – 3-10-б.

² Пассов Е. И. Коммуникативные упражнения (пособие для преподавателей). – Москва–Ленинград: Просвещение, 1967. – 84-91-б.

омилидир. Кейинги йилларда республикамизда ўзбек тилини ўқитишда куйидаги тамойиллар ёки ёндашувлардан фойдаланилмоқда:

1. Лингвистик ёки анъанавий тизимли ёндашув. Ушбу ёндашувда тил таълими аспектли тамойил йўналишида, яъни таълим мазмунини тизимли кетма-кетликда тақсимлаш йўналишида берилади ва, асосан, филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида қўлланади. Бунда ўзбек тили сатҳлар изчиллигида ўқитилади ва бу тилни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, ўзбек тилининг лексик-семантик ва грамматик имкониятлари билан тўлиқ танишиш имконини беради. Шу боис филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида ушбу тамойилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Албатта, тил таълимининг бошланғич босқичларида, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда, ва олий таълимнинг нофилологик муассасаларида фонетика, лексикология, морфология, синтаксисни тизимли курс сифатида ўқитиш самарали натижа бермайди. .

2. Ўзбек тилини матн таҳлили асосида ўқитиш. Ўтган асрнинг 80-йилларида Фарб лингводидактикасида “*маълум мақсад учун қўлланиладиган тил*” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу тушунча заминида инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида қўлланиладиган тил бирликларининг ихтисосликка оид лексик-грамматик ва бошқа ўзига хос белгилари (у ёки бу ихтисослик доирасида нуткий мулоқот қандай тузилади, маълум турдаги ахборотни етказиш учун мулоқот қайси шаклда олиб борилади каби) ётгани учун “*мутахассислик тили*” деб ҳам юритилади. Ушбу ёндашувда турли касб-хунарга оид матнлар устида ишлаш, касбий атамаларнинг нутқда қўлланишини ўргатиш воситасида ўқувчи-талабалар касбий, ихтисосий нутққа ўргатилади, касбий нутққа оид луғат бойлиги ўстириб борилади. Айни пайтда айрим грамматик қоидаларни ўзлаштириб бориш ҳам назарда тутилади. Тиббиёт, техника, иқтисод, қишлоқ хўжалиги каби турли ихтисосликлар йўналишларидаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида аввалдан матн таҳлили асосида ёзилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб келинмоқда.

Бугунги кунда ўзбек тилидан ўқув қўлланмалар, дарсликлардаги машқ ва топшириқларни ҳозирги талабларга мувофиқлаштириш, миллий истиқлол ғояларини, миллий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш туйғуларини сингдиришга хизмат қилувчи матнлар билан бойитиш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бироқ ушбу тамойилда тузилган ўқув дастурларида грамматик билимлар узвийлик-узлуксизликда берилмаётгани, кўп ҳолларда куйи таълим босқичларида ўтилган грамматик маълумотлар қайтарилаётгани кузатилмоқда.³ [224]. Шунингдек, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, тиббиёт йўналишлари учун ушбу тамойилда ёзилган дарслик ва қўлланмаларнинг аксариятида грамматик маълумотлар анъанавий лингвистик тамойилда, яъни она тилидаги каби тизимли равишда берилган бўлиб, улар ихтисосий нутқни ўргатишга йўналтирилмаган. Кузатишлар

³Ҳоликбердиев Қ. Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.—Тошкент: 1971. —243 б.

шуни кўрсатадики, бутун-бутун матнларни ёд олган аксарият ўқувчи-талабалар, одатда, бирор ёйиқ гапни мустақил равишда тузиш ёки матн таркибидаги гапларни ўзгартириб айта олиш малакасига эга эмаслар. Чунки ўқувчи-талабалар ўзбек тили машғулотида ўз ихтисослиги бўйича матн тузишни эмас, аксинча, тайёр матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишни ўрганмоқдалар, холос.

Методист-олим Р.Йўлдошевнинг уқтиришича, *“Матн – нутқнинг ҳарфий белгилар билан қайдланган сурати. У ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Нутқий фаолият орқалигина матнни ҳаракатга келтириш мумкин... Кузатишлардан маълумки, бутун-бутун матнларни ёд олган аксарият ўқувчилар ўзбек тилида бирор гапни ўзгартириб айтиш талаб этилганда, буни удалай олмайди... Шу нарса инкор этиб бўлмас даражада исботланганки, русийзабон ўқувчи саволларга жавоб бериш учун ё жавобни матндан ўқиб беради ёки уни эслаб қолиб айтади. Ижодий тузилган саволга ўқувчи сўроқ сўзни жавоб сўзга алмаштириш йўлини билиб олгандагина жавоб қайтара олади”*.⁴ Кўринадики, ўзбек тилини матн таҳлили асосида ўқитишда русийзабон ўқувчи-талабаларни тайёр матнлар топшириқлари устида ишлатишнинг ўзи етарли эмас, уларда, аввало, сўзлардан сўз бирикмалари, сўз бирикмаларидан гаплар туза олиш, ўз нутқий фаолиятига ижодий ёндашган ҳолда синтактик синонимик вариациялардан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилдириш керак бўлади.

3. Функционал-коммуникатив ёндашув. Ҳозирги кунда хорижий тилларни ўқитиш жараёнида кенг қўлланаётган мазкур ёндашувда тилни амалий мақсадда ўқитиш, яъни ўқувчиларни бирон-бир мавзуда фикр алмашиш ва фикр баён қилишга ўргатиш мақсад қилиб қўйилади. Ўқувчиларда, аввало, нутқий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ушбу тамойилни **функционал аспектда ўқитиш** деб ҳам атайдилар. Мазкур тамойил бундан 40 йил аввал Европада голландиялик Ван Эйк томонидан яратилган бўлиб⁶, у ўзбек тили таълимида илк марта 1990 йилда М.Қодировнинг дорилфунунлар факультетларининг рус гуруҳлари учун тузган “Ўзбек тилидан программа”си⁷ орқали олий ўқув юртларида, 1998–1999 йиллардан бошлаб эса Р.Толипова ва бошқалар томонидан тузилган ўқув дастури орқали умумий ўрта таълим босқичининг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларида татбиқ этила бошланди.⁸ Ушбу ўқув дастурларида кундалик мулоқот эҳтиёжи учун зарур бўлган нутқий мавзулар

⁴Йўлдошев Р. Узлуксиз ўзбек тили таълимида функционал-семантик ёндашувнинг татбиқига доир // Узлуксиз таълим. –Тошкент: 2008. – 5-сон. –Б. 20–24.

⁶ Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари ҳақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: 2007. –Б. 192–193.

⁷Қодиров М. Ўзбек тилидан программа (дорилфунунлар факультетларининг рус гуруҳлари учун). –Тошкент, 1990. –19 б.

⁸ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎЗР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. –Тошкент: Шарқ, 1999. — 262–302.

ва нутқий моделлар воситасида ўқувчиларда ўзбек тилида ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда эркин ифодалаш, мустақил сўзлашиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

Бунда ўқувчи-талабаларга грамматик мавзуларни эмас, балки муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган нутқий қурилмалар асосида бирон-бир нутқий мавзуда сўзлашишга ўргатиш кўзда тутилади, грамматик коидалар эса фақат нутқий эҳтиёждан келиб чиқиб берилади.⁹ Шунинг учун ҳар бир мавзу бўйича бериладиган фонетик, лексик, грамматик (морфологик ва синтактик) билимлар тил сатҳлари бўйича эмас, балки комплекс ҳолда берилиб, ўқувчиларни 4та асосий амал: тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш асосида нутқий фаолият юритишга ўргатиш кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тилини коммуникатив ёндашувнинг **мавзувийлик** ёки **функционал-семантик йўналишлари** мавжуд бўлиб, биринчисида “Ўзбек тили” дастури ва дарсликлари нутқий мавзуларга бўлинган ҳолда тузилади ва шу мавзу доирасида фаол қўлланадиган грамматик воситаларни ўргатиб бориш режалаштирилади. Нутқий мавзуларнинг етакчилик қилиши грамматик билимларни тарқоқ ҳолда берилишига, мустаҳкамланиб борилмаслигига, мавзуларнинг тақвимга мос тарзда такрорланиб келиши (яъни қишда қиш, кузда куз мавзулари, байрамларнинг ҳар йили қайтарилиши) оқибатида қайтариқлар юз беришига олиб келди. Натижада, ўзбек тилининг ўқитилишда узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланмаслигига олиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам, мавзувийлик лексикани бир мавзу доирасида жамлаб боришда қулайлик туғдирса-да, лекин бир мавзудан иккинчи мавзуга ўтганда, олдинги ўрганилган лексикадан кейинги мавзуларда деярли фойдаланилмаслиги фаол лексик минимумни пухта ўзлаштирмасликка олиб келмоқда. Мавзувийлик тамойили сўзларни гуруҳлаб ўрганиш учун муайян қулайлик яратса-да, сўзларнинг такрорий ишлатилиш частотасини таъминлашда мутлақо ноқулай, грамматик воситаларни изчил режалаштириш масаласида эса унинг қулайлик томони йўқ даражада.

Иккинчи тил таълимида **нутқий моделлар, нутқий қурилмалардан** фойдаланиш қатор услубий қулайлик ва устунликларга эга. Муайян фикрни ифодалашда, яъни маълум бир грамматик мавзу бўйича энг кўп қўлланадиган нутқий қурилмаларнинг ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш учун ажратиб берилиши мавзунинг нисбатан тезроқ ўзлаштирилишига, мазкур нутқий моделларнинг ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиб қолиши ва нутқда фаолроқ қўлланишига олиб келади. Нутқий моделлар, албатта, нутқий қурилмаларни қўллашни жадаллаштиришга, синтагматик гап тузиш малакасини шакллантиришга катта ёрдам беради. Аммо тил ўзлаштиришда нутқий моделлардан фойдаланишни ягона восита сифатида талқин қилиш ва бошқа турдаги методик усулларни назардан четда қолдириш самарали натижаларга олиб келмайди. Фақат нутқий қурилмаларни, уларнинг

⁹Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.

қўлланишини ажратиб кўрсатиб беришнинг ўзи тилни мустақкам ўзлаштириш учун етарли бўла олмайди, шу боис, тилга ўргатишда фақат нутқий қурилмаларнинг ўзи билангина чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Е. И. Пассов моделлаштиришни қуйидагича таърифлаган: *“Нутқ тизимини моделлаштириши – бу аслиятдан бир мунча камроқ даражада бўлса-да, нутқнинг муайян кўринишларини ифодалай оладиган ва ўрни келганда муайян вазиятларда бутун тил тизимини алмаштира оладиган ўхшаш тизимни яратишдир. Бунинг учун эса нутқий фаолиятнинг уч томони ўзаро мувофиқлашиши керак. Бироқ бунда шуни унутмаслик керакки, ушбу учликда гапириш жараёнида нутқнинг грамматик томони биринчи ўринда туради”*¹⁰.

“Ўзбек тили” дарсликларида ушбу мақсадни **грамматик қоидаларсиз**, фақат нутқий қурилмаларнинг ўзи билан амалга оширишнинг кўзда тутилиши кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ўзлаштирилган нутқий қолипларни турли вазиятларда қўллай олиш учун ўқувчи қоидаларни ҳам билиши керак бўлади. Иккинчи – функционал-семантик йўналишида (функция – вазифа, семантика – маъно) фикр баён қилишда маънога мос тил воситаларини танлаш йўлидан борилади, яъни грамматик воситаларни семантик принцип асосида саралаб, танлаб, гуруҳлаб ишлатиш (масалан, белгини ифодалаш, қарашлилиқни ифодалаш, маконни, вақтни, мақсад, сабабни ифодалаш каби) ва муайян фикрни ифодалаш учун лексик, морфологик, семантик воситалардан комплекс тарзда фойдалана олишга ўргатиш кўзда тутилади. Ўзбек тили таълимига мазкур йўналишни олиб кирган Р.Толипованинг фикрича, *“ушбу методика ўқувчида қизиқиш (мотивация), фаоллик, ижодийлик ва мустақилликни шакллантиришга қаратилган бўлиб, ўқувчи грамматик воситаларни тушуниб қўллайди, танлаб ишлатади”*.¹⁰ Яъни: ўқувчилар тайёр матнларни қисмларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш ва такрорлаб гапиришни эмас, матндан от, сифат, сонни топишни эмас, эмас, балки *“тил тоқчаларидан ўзига зарур воситаларни топиб”*, яъни вазиятга мос фикрни турли усуллар воситасида аниқ ифодалашга ўрганиб боришлари мақсад қилинади. Н. Маҳмудов фикрича, *“тил таълим мақсади билан тавсифланар экан, унга семасиологик (шаклдан мазмунга) эмас, балки ономасиологик (мазмундан шаклга) ёндашув муҳимдир. Тил ўрганувчи берилган тилдаги шаклнинг мазмунини излагандан кўра ўзига маълум бўлган мазмуннинг мақсадга мувофиқ ифода шаклини танлаш йўлидан боргани маъқул. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда тилишуносликда, айниқса, амалий тилишуносликда муайян мазмуннинг энг мақбул тарздаги ифодаланиши имкониятларини тавсифловчи, яъни “мазмундан шаклга” тамойилига асосланган “функционал грамматика”, “идеографик грамматика” яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бунда*

¹⁰ Пассов Е. И. Коммуникативные упражнения (пособие для преподавателей). – Москва–Ленинград: Просвещение, 1967. – 95 с.

¹⁰Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари ҳақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: 2007. –Б. 192–193.

*тил ўқитишининг бош мақсади ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ўргатишдан иборат”.*¹¹

Г.Аҳмедова ўз тадқиқот ишида “сўзни ҳаракатда кўриши учун нутққа нисбатан функционал-семантик тамойилни татбиқ этиши маъқул, чунки ўқувчи сўз бирикмалари ва турли хил гаплар намуналари асосида ясама сўзларни функционал қирралари жиҳатидан ҳам, семантикаси жиҳатидан ҳам амалий ва фаол ўзлаштиради, яъни функционал-семантик тамойил тўлиғича намоён бўлади”¹² деган хулосага келиши ҳам шу фикрни исботлайди.

Функционал-семантик ёндашувда айнан шу мақсадни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда ҳатто мавзулар ҳам соф грамматик тарзда эмас, балки семантик (маъновий) нуқтаи назардан номланади (яъни мавзуларни «Сифат», «Сифатнинг маъно турлари» ёки «Сифат даражалари» деб эмас, балки «Инсоннинг ташқи қиёфасини ёки хусусиятларини тавсифлаш», «Нарса-буюмларни тасвирлаш» ёки «Ўринни, мақсадни ифодалаш» каби номлаш режалаштирилади) ва сифатларнинг ўзини эмас, муайян фикрни ифодалашдаги амалий қўлланишини ўргатиш кўзда тутилади.

Кўринадики, мазкур ёндашувда грамматик мавзуларнинг ҳам муайян бир изчиллик асосида ўқитилиши назарда тутилади, аммо бу изчиллик ўзбек тилининг тизимли грамматикаси асосида эмас, балки функционал-семантик нуқтаи назардан, яъни муайян маънога боғлиқ фикрни ифодалаш йўллари, усулларидан келиб чиқиб белгиланади. Ўқувчиларга муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган барча сўз туркумларига оид лексикани ўз ичига олган нутқий бирликлар берилади. Ўқувчиларнинг сўзларни алоҳида лексик бирликлар сифатида механик равишда ёд олиш йўли билан эмас, балки муайян грамматик шаклларда, ажратиб кўрсатилган нутқий курилмалар таркибида ўзлаштириб борилиши, ушбу курилмаларни нутқий вазиятга мос равишда қўллаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилади.

Шу боис ҳозирги кунда коммуникатив ёндашувнинг **мазкур йўналиши** жаҳонда хорижий тилларга ўргатиш методикасининг энг сўнгги ютуқлари ва ижобий таржибасини ўзида мужассамлантирган тамойил сифатида эътироф этилмоқда. Функционал-семантик ёндашувда мазмун (семантика) асосий мақсад сифатида биринчи ўринга чиқади, шакл, яъни грамматикадан (сўз яшаш, морфология, синтаксис ва имло қоидаларидан) лингвистик восита сифатида фойдаланилади. Бироқ методист Р. Йўлдошев ҳам Г.И.Володинанинг шу принцип асосида ёзилган рус тилини хорижликларга ўқитиш бўйича қўлланмаси¹³ неча ўн йиллардан амал қилиб келаётганини таъкидлаган ҳолда, айни вақтда мазкур тамойилда жиддий камчиликлар мавжудлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Унинг фикрича, “...

¹¹ Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – 1-сон. – Б. 3–9.

¹² Аҳмедова Г. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2006. – 164 б.

¹³ Володина Г.И. Учебник русского языка для иностранных учащихся. – М.: Высшая школа, 1972. – 431 с.

семантик принцип аффиксал тил бўлмиши ўзбек тилининг табиатини дастурда тўлиқ акс эттириши имконини бермайди. Ўзбек тилида сўз морфологик жиҳатдан мураккаблашиб боради, яъни унга бир, икки, уч ва ундан ортиқ қўшимча қўшилади ва бундай ўзгариши ўқувчилар томонидан янги грамматик мавзу сифатида қабул қилинади. Биргина эгалик қўшимчаларини қаралмиши вазифасидаги ҳаракат номида, сифатдошда бошқа грамматик воситалар билан биргаликда қўлланиши (ўрганганларимизни, гапиртиришимизни каби) 2-синфдан 9-синфгача оддийдан мураккабга қараб изчил ўрганиладиган, ҳар гал ўқувчиларни билим – кўникма - малака схемасида машқ қилишига ундайдиган ҳолатларни қамраб олади.”¹⁴

Шунингдек, мавзуларни ифодалашда ҳаракат номи ёки сифатдош ва унинг турланган ҳолатига дуч келиниши ҳам функционал-семантик ёндашувда маъновий мавзуларни белгилашга монелик қиладиган жиддий омиллардан бири бўлди. Бу ўринда мавзуларни аташда ва уларни босқичлар бўйича тақсимлашда юзага келган хатоликлар айрим тадқиқот ишларида ҳам жиддий танқидга учраганини келтириб ўтишимиз мумкин. Бу ҳолатлар айниқса амалиётчи ўқитувчилар томонидан катта эътирозлар, норозиликлар бўлишига олиб келди ва бугунги кунда ўзбек тилидан ўқув дастурлари нутқий мавзуларга бўлинган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича тақдим қилинадиган тил материаллари лингвистик аспектдаги каби берилмоқда.

Таниқли методист олим М.Джусуповнинг қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “*Ўзга тилни коммуникатив асосда ўрганиши ҳозирги замон лингводидактикаси ва методикасининг асосий йўналишидир. Бироқ иккинчи тил таълимидаги барча қийинчиликларни фақат коммуникатив таълим орқалигина енгиши мумкин деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Коммуникатив таълим мустаҳкам назарий асосларга эга бўлгандагина ва уни такомиллаштиришида бошқа методлардан ҳам ўринли фойдаланилгандагина иккинчи тил таълимида сифат самарадорлигига эришиши мумкин. Бунда, айниқса, иккинчи тил таълимида борган сари кўпроқ ва кенгроқ тармоқ отаётган нутқни тил аспектига етарли даражада таянмай шакллантириши методидан воз кечиши керак”.*¹⁵

4.2. Тил таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан тенг муносабатда бўлишлари, барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун ўзбек тили таълими халқаро стандарт талабларига жавоб бериши, уларнинг **турли нутқий вазиятларга**

¹⁴ Ёўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2012. – Б. 200.

¹⁵ Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. –Тошкент, 2002. – № 1–2. –214 с.

мос равишда эркин мулоқотга кириша олиш компетенцияларини, лаёқатларини шакллантириш керак бўлади. Бу борада жаҳоннинг етакчи мамлакатларида амал қилиб келаётган ва самарали натижалар бераётган **компетенциявий ёндашувни** тил таълимига татбиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги 1875-сонли “*Чет тилларни ўқитишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси*”даги махсус қабул қилинган Қарори ва чет тилларини ўқитиш бўйича амалга оширилган ислохотлар, давлат таълим стандартлари талабларини халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши, чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими ишлаб чиқилгани, таълим жараёнининг ўқув-услубий адабиётлар ва замонавий воситалар билан таъминланиши таълим соҳасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш керакки, ушбу қарор мамлакатимизда нафақат чет тилларни, балки умуман тил таълимини, шу жумладан, республикаимизнинг давлат тили бўлмиш ўзбек тилини ўқитишни ҳам янада такомиллаштириш (ўзбек тили фанидан ДТС талабларини ҳам халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш ва таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш, ўқув дастурлари мазмунини узлуксизлик ва узвийлик асосида қайта кўриб чиқиш) борасида катта ишлар амалга оширилишига сабаб бўлди.

“**Компетенция**”, “**компетентлилик**” тушунчалари тилшуносликда илк бор XX аср ўрталарида Н.Хомский томонидан қўлланган бўлиб, тилни ишлатиш жараёнида “фаолиятга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида”, таълим соҳасида эса “**компетенциявий ёндашув**” сифатида талқин этилган бўлиб, таълимда натижавийликни кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилган.¹⁷ Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзларнинг маънолари турлича изоҳланади. Чунончи, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да компетенция сўзига қуйидагича изоҳланган:

“**Компетенция** – (лот. *competere* – лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси”.¹⁸

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуйидагича шарҳланади: “**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. *юр. ҳуқуқ* (вазифа, иш) доираси.”;

“**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2. Ваколат, ҳуқуқ ихтиёр; **Компетентн/ый, -ая, ое, -тен, -тна** – етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни

¹⁷ Зимняя И.Н. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, №5. – Москва, 2003. – С.34-42.

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.

хуқуққа эга бўлган; ваколатли; **Компетентлик** – чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”¹⁹

Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий ёндашувни** эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равишда қўллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равишда амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришдан иборат.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади.

Компетенциялар 2 асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади.



Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч

¹⁹ Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б.456.

келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади. Жумладан, ўзбек тилини ўрганишда ўқувчи-талабалар **нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенцияларни** эгаллашлари талаб этилади.



Ўзбек тили таълимида ўқувчи-талабалар **нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенциялардан** иборат хусусий компетенцияларни эгаллашлари талаб этилади.

1. Нутқий компетенция тил таълимининг қуйидаги 4 амали бўйича: **тинглаб тушуниш бўйича** (эшитилган ва эшиттирилган нутқни, тингланган матндаги асосий ахборотни, долзарб мавзулардаги радио ва теледастурларни тушуниш); **гапириш бўйича** (монологик, диалогик оғзаки нутқ турларида ўз шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш, мавзу доирасида тақдимот қила олиш кўникмаларини ривожлантириш); **ўқиш бўйича**: мавзуга оид материалларни, адабий-бадий матнларни, оммабоп материалларни (газета, ҳикоя, шахсий ва электрон хатларни) ўқиш; **ёзиш бўйича** (диктант, баён, иншо ёза олиш, ижодий матнлар туза олиш, расмий иш қоғозларини юритишни билиш).

2. Лингвистик компетенция: кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган ижтимоий мавзуларга оид ва касб-ҳунарга йўналтирилган луғат бойлигини ошириб бориш, ўзбек тилининг сўз ясалиши воситаларини билиш луғат бойлигини ошириб боришдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси ўзбек

тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича назарий билимларни муайян изчилликда эгаллаш воситасида амалга оширилади.

3. Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенцияда эшитилган нутқни шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ва ўз она тили ва миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда муайян нутқий вазиятга мос лингвистик шакл, ифода усулида тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш. Ушбу лаёқат ўқувчи-талабаларни ўз халқининг бой тарихи, миллий кадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, ўзбек адабиёти намуналарини, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўқиб ўрганиш орқали шакллантирилади.

4. Прагматик компетенция кундалик ҳаётда ўзбек тилидан эгаллаган билим, кўникмалари асосида муайян нутқий вазиятда мустақил мулоқотга кириша олиш қобилиятини, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга қўшилиш, суҳбатдошининг нутқини секинлаштиришга ундашга оид муомала одоби воситаларини, тушунмовчиликлар пайдо бўлганда қайта сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, тилнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутати.

Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникма-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади ва нутқий коммуникатив малакани эгаллаш орқали таълим олувчиларда **метакомпетенциялар** таркиб топишига олиб келади.²⁰ Бироқ кўзда тутилган провард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

4.3. Давлат таълим стандартларини тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари асосида такомиллаштириш

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз таълим тизимига чет тилларини ўқитиш тизимида қабул қилинган ва жаҳон миқёсида амал қиладиган халқаро CEFR даражаларининг²¹ жорий этилиши республикамизда ўзбек ва рус тилларини ўқитиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Компетенциявий ёндашув таълимда натижавийликни кўрсатувчи муҳим омиллардан бири эканлигидан келиб чиқиб, бугунги кунда нафақат тилларни, балки барча фанлар бўйича давлат таълим стандартларини ҳам такомиллаштириш вазифаси кун тартибига қўйилди.

²⁰Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Тошкент, 2013.(лойиха)

²¹Общевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. – М.: Изд-во МГЛУ (русская версия), 2003. – 256 с.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг саъй-ҳаракати билан умумтаълим ва ўрта махсус таълим тизимларида ўқитиладиган барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди, ҳар бир таълим босқичига мос компетенциявий даражалар талаблари белгиланди ва 2013-2014 ўқув йилидан тажриба майдончаларида синовдан ўтказила бошланди. Мазкур такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари талабларида барча фанлар бўйича бошланғич таълим босқичининг 4-синфини тугатаётган ўқувчилари учун жаҳон таълим стандартларининг A1 даражаси, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфлари битирувчилари учун A2 даражаси, ўрта махсус таълимда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун B1 даражаси меъёр сифатида белгиланган. ДТС талаблари асосида ўқув дастурлари мазмуни ҳам қайта кўриб чиқилиб, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун узвийлаштирилган **9+3** ўқув дастури ҳам тузилди.

Тил таълимининг халқаро стандартлари

IELTS	TOEFL (PB)	TOEFL (CB)	Cambridge Tests	Global CEFR scale	Uzbek Level	Uzbekistan Educational System
9	677	120	CPE	C2	-	-
8.5	677	110	CPE			-
8	653	110	CPE			-
8	637	110	CAE/CPE	C1	C1	Doctorate
7.5	613	110	CAE			2 - year of study MA/Philology
7	600	100	CAE	B2	B2	2 - year of study of MA
6.5	575	100	CAE			4 - year of study Bachelor
6	550	100	CAE	B1	B1+	3 - year of study in specialised AL
5.5	525	90	FCE			
5	500	90	FCE			
4.5	475	90	FCE	B1	B1	3 - year of study VE
4	450	70	PET			
3.5	425	70	PET	A2	A2+	9-grade specialised schools
3	400	70	PET			
2.5	375	60	KET			
2.0	350	55	KET	A2	A2	9-grade
1.5	325	55	-			
1.0	300	40	-			
1.0	300	40	-	A1	A1	4-grade
-	-	-	-			
-	-	-	-			

Республикада чет тиллари бўйича билимлар даражасига қўйилган талаблар

ДАРАЖАЛАР	ТАЪЛИМ ТУРИ
C1	Олий таълим, филологлар
B2	Олий таълим, нофилологлар
B1+	Ихтисослашган АЛ
B1	АЛ ва КХҚ
A2+	Ихтисослашган мактаблар 5-юқори 5-9- синфлар
A2	
A1	Бошланғич 1-4 синфлар

Компетенциялар

CEFR	ЎзР
L/S/R/W	Т/Г/Ў/Ё/П

Давлат таълим стандартлари талабларини бажариш, аввало, ҳар бир таълим босқичи бўйича белгиланган компетенциялар даражаларини ҳамда таълим олувчиларда ушбу лаёқатларни таркиб топтиришга йўналтирилган таълим мазмунини билишни тақозо этади. Бошқача айтганда, бугунги кунда фан ўқитувчиларидан ўқувчилар муайян таълим босқичини тугатаётганда, қандай малакаларга эга бўлиши кераклиги, ўқувчида ушбу малакалар қандай билимлар асосида шакллантирилиши зарурлигини яхши билиш ва ўқувчиларда ушбу малакаларни қўллашга оид лаёқатни, яъни компетенцияни таркиб топтириш талаб қилинади.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида хорижий тилларни ўқитиш амалиётида қўлланиб келаётган сертификатлаштириш тизимининг самарали натижалари барчамизга маълум. Шундай экан, ўзбек тили таълимига ҳам компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш ва ҳар бир таълим босқичида лаёқатлилик даражаси бўйича ДТС талабларининг бажарилишига эришиш учун сертификатлаштириш тизимини қўллаш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўла олади.

Бунинг учун давлат таълим стандартлари талабларига кўра бошланғич синфни тугатган ўқувчи А1 даража кўрсаткичларига жавоб бера олишини таъминлаш, 9-синф битирувчиси академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларига қабул қилиниши учун А2 даража талаблари бўйича синовдан ўтиши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичи битирувчилари В1 ёки В2 даража талабларига жавоб берагина, олий таълим муассасаларига кириш ҳуқуқини қўлга киритиши, шунингдек, олий таълим босқичлари битирувчилари С1, С2 даражаларнинг қай бирига лойиқлигига кўра касбий лавозимларга ишга қабул қилиниши белгилаб қўйилиши ва шунга қатъий амал қилиниши зарур, деб ўйлаймиз.

Бироқ давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда айрим масалаларга кам эътибор қаратилаётганини таъкидлаш керак.

Маълумки, бошланғич синфларга ўзбек тили ўз она тили бўлган болалар, ўзбек тили ўз она тили бўлмаса-да, ўзбек тили муҳотида туғилиб ўсган болалар ва чет тилларини умуман билмайдиган болалар ўқишга қабул қилинади. Демак, уларга она тили, ўзбек тили, чет тили фанларидан бир хил даража талабларини қўйиш мантиқан мумкин эмас. Афсуски, ҳозирги кунда бошланғич синфларда тил таълимининг халқаро стандартларида тил билимининг энг қуйи малакавий кўрсаткичи ҳисобланувчи А1 даража талаблари чет тилларини ўқитиш учун ҳам, она тили ўқитиш учун ҳам, ўзбек тилини ўқитиш учун ҳам бир хилда белгиланган.

А1 даража талабларига кўра тил таълимида ўқувчилар дарсга оид кўрсатмалар ва ўқитувчи нутқини, ўзаро савол-жавоб, топшириқларини, кичик матнлар, топишмоқ, эртак ва ҳикояларни тинглаб тушуна олиш, сўзлаш малакаси бўйича саломлашиш, ўзини ва манзилгоҳини тушунтириш, илтимос қилиш, кечирим сўраш, раҳмат айтиш, табриклаш, воқеа-ҳодиса ёки предмет тасвирини содда баён қилиш, топишмоқ ва кичик эртакларни сўзлаб бера бериш, ёшига мос содда тақдимотлар қила олиш малакасига эга бўлишлари керак. Ушбу талабларни ўрганиб чиқиш, миллий мактабларда бошланғич синф ўқувчиларининг (ҳатто таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларининг аксарият қисми ҳам уларнинг кўпчилигини ўзбек ва туркий миллатлар фарзандлари ташкил этиши туфайли) қайд этилган малака кўрсаткичларини, шунингдек, ўзбек тилида мулоқот жараёнида қўлланадиган новербал элементлар: қўлини кўксига қўйиб саломлашиш, *ҳа* ва *йўқ* ишораларини ҳамда ўзбекча муомала одобини нутқий вазиятларга мос ҳолда, яъни катталарга, кичикларга, тенгдошига нисбатан тўғри қўллашни мактабгача ёшидаёқ билишларини кўрсатди.

Кўринадики, ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талаблари чет тилларни ўқитишга қўйиладиган талаблар билан бир хил бўлиши мумкин эмас. Халқаро CEFR даражаларида тилнинг она тили сифатида ўқитилиши ва чет, хорижий тил сифатида ўқитилиши алоҳида қайд этилган бўлиб, жаҳоннинг барча мамлакатларида тил она тили сифатида ўқитилаётганда талаблар бир даража юқори туриши қатъий белгилаб қўйилган. Айтилганлардан келиб чиқиб, она тилидан А1 даража талабларини мактабгача таълим тарбияланувчилари, мактабга тайёрлов синфлари учун белгиланиши ва мактабга қабул қилинаётган болаларни шу даража талаблари асосида суҳбатдан ўтказиб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. 1-синфга болаларни суҳбатдан ўтказиб қабул қилиш тажрибаси кўпчилик мактабларда бир неча йиллардан бери амал қилаётганини барча билади.

Бу ўринда масаланинг яна бир томонига ҳам эътибор қаратиш лозим. Тилларни ўқитишнинг халқаро тажрибасида тилни тил муҳотида ўргатиш ва тил муҳоти бўлмаган жойда ўргатиш алоҳида қайд этилади. Республикамизда таълим бошқа тилларда таълим олаётган ўқувчиларнинг аксарияти ўзбек ва қариндош туркий тиллар оиласига мансуб тил соҳибларининг фарзандлари

эканлиги, ҳатто қариндош бўлмаган рус тили соҳибларининг ҳам тил муҳитида катта бўлганликлари уларнинг ҳам мактабга А1 даража талаблари асосида қабул қилиниши мумкинлигини кўрсатади. “Ўзбек тили” фанидан А2 даража бўйича қайд этилган таълим мазмуни ва малакавий кўрсаткичлар бошланғич синф ўқувчиларида бемалол шакллантирилиши мумкин. Ушбу даража талабларига кўра 3-4-синфда ўқувчиларда ўзбек тилидаги нутқ товушларини яқка ҳолда ва сўз ичида тўғри ўқий олиш, сўзларни сўз урғусини тўғри кўйган ҳолда ўқиш, ўзлаштирилган тил материалидан иборат қисқа матнларни муайян тезликда равоон ўқиш, кичик ҳажмдаги шеърларни ифодали ўқиш ва ёд айтиш каби ўқиш компетенциясига оид малакалар, графика ва орфография бўйича эса латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча ҳарфларнинг босма ва ёзма, бош ва кичик шакллари билиш, ҳарфларни ёзма шаклда ҳуснихат қоидалари асосида ёзиш, сўзларни бўғинларга бўлиш ва бўғин кўчириш қоидалари ҳамда сўзларнинг морфологик шакллари имло қоидалари асосида тўғри ёзиш малакалари шакллантирилиши тақозо этилади. Бизнингча, бошланғич таълим босқичида 4-синфни тугатаётган ўқувчилар учун эса компетенциявий талабларнинг А2 даражасини, умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфи битирувчилари учун В1 даража талабларини, ўрта махсус таълимда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун эса В2 даражасини меъёр сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, яна бир ҳолатга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз керак. Тақомиллаштирилган давлат таълим стандартларида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун компетенциявий талабларнинг В1 даражаси белгиланган. Бу аснода узлуксиз таълим тизимининг кейинги олий таълим босқичида бакалавр талабалар учун компетенциявий талабларнинг В2 даражаси, магистратура босқичи учун эса С1 даражаси белгиланиши керак бўлади. Бу эса 2та муаммоли ҳолатга олиб келиши аниқ: биринчидан, республикамизнинг давлат тили ҳисобланувчи ўзбек тилини мукамал даражасини кўрсатувчи С2 даража ҳеч кимдан талаб этилмаслигига, иккинчидан, олий таълим муассасаларида ўзбек филологиясидан бошқа барча йўналишларда она тили фани ўқитилмаслигидан келиб чиқилса, нофилологик олий таълим муассасалари талабалари учун ўз она тилини ёки республикамизнинг давлат тилини В2 даражада билишлари етарли бўлиб қолади.

Қайд этилган мулоҳазалар ўзбек тилидан давлат таълим стандартларини янада тақомиллаштирилиши зарурлигини кўрсатади. Зеро, мустақиллигимиз шарофати билан давлат тили мақомини олган она тилимизни янада равонақ топдириш, унинг барча томонидан эътироф этилиши ва истиқлол берган буюк неъмат сифатида қадрланишига барчамиз масъулмиз.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон тажрибасида қўлланадиган тил таълими тамойиллари ҳақида маълумот беринг.
2. Кейинги йилларда ўзбек тилини ўқитишга қандай замонавий ёндашувлар жорий қилинмоқда?
3. “Компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув” атамаларининг маъноларини изоҳланг.
4. Компетенцияларнинг турлари ва меъёрий даражаси талаблари ҳақида маълумот беринг.
5. Таянч ва хусусий компетенцияларга нималар киради?
6. Ўзбек тили таълимида нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенцияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
7. “Метакомпетенциялар” тушунчасини изоҳланг.
8. Тил таълимининг халқаро компетенциявий даражалари ва уларни бошқа фанларга татбиқи ҳақида тушунча беринг.
9. Жаҳон миқёсида амал қиладиган халқаро CEFR даражалари ҳақида нималарни биласиз?
10. Узлуксиз таълим босқичлари битирувчилари учун ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талаблари ва уларни такомиллаштириш бўйича тақлифларингиз.
11. Тил таълимидаги сертификатлаштириш тизими ва ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини сертификатлаштириш масаласига муносабатингиз.

Адабиётлар

1. Идеографические аспекты русской грамматики / Под ред. В. А. Белошапковой и И. Г. Милославского. – Москва: МГУ, 1988. – 3-10-б.
2. Пассов Е. И. Коммуникативные упражнения (пособие для преподавателей). – Москва–Ленинград: Просвещение, 1967. – 84-91-б.
3. Ҳоликбердиев Қ. Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент: 1971.
4. Йўлдошев Р. Узлуксиз ўзбек тили таълимида функционал-семантик ёндашувнинг татбиқига доир // Узлуксиз таълим. –Тошкент: 2008. – 5-сон. – Б. 20–24.
5. Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари ҳақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. – Тошкент: 2007. –Б. 192–193.
6. Қодиров М. Ўзбек тилидан программа (дорилфунунлар факультетларининг рус гуруҳлари учун). –Тошкент, 1990. –19 б.
7. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим таракқиёти. ЎЗР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. –Тошкент: Шарқ, 1999. — 262–302.

- 9.Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – Москва: Просвещение, 1989. – 277 с.
10. Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.– Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
11. Толипова Р. XXI асрда тил ўқитиш истиқболлари ҳақида // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари: Ўзбек тили доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: 2007. –Б. 192–193.
12. Махмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.– Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
- 13.Жалолов Ж. Лингводидактик адаптация хусусида // Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларга ўргатиш методлари. – Самарқанд, 1999. – Б. 43-47.
14. Аҳмедова Г. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2006. –164 б.
15. Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. –Тошкент, 2002. – № 1–2. –214 с.
16. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎзР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. –Тошкент: Шарқ, 1999. – 262–302.
17. Зимняя И.Н. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, №5.– Москва, 2003.– С.34-42.
18. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 212 б.
19. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 238 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-бет.
19. Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б.456.
- 21.Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар/ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа). –Тошкент, 2013.
- 22.Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, оучение, оценка. – М.: Изд-во МГЛУ (русская версия), 2003. – 256 с.

5-МАЪРУЗА. Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар. Ўқув фани мазмунини шу асосда такомиллаштириш ва лойиҳалаштириш (2 соат)

Режа:

5.1. Нофилологик ОТМлар да ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

5.2. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Таянч тушунчалар: ОТМ, классификатор, намунавий дастур, ишчи ўқув дастури, мутахассислик йўналишлари, филологик йўналиш, нофилологик йўналиш, ихтисослик соҳалари, олий малакали илмий-педагогик кадрлар, компетентлик даражаси

5.1. Нофилологик ОТМлар да ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

Олий таълим республикамиз таълим тизимининг муайян соҳалар бўйича мутахассислар тайёрловчи энг юқори таълим босқичи бўлиб, талабаларни соҳавий, касбий фаолиятига йўналтириш, ҳар бир фанни мутахассислик йўналиши билан боғлаб бориш, талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганиш фаолиятини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, олий таълимдаги дидактик тамойиллар тизимида илмийлик, онглилик, касбий йўналтирилганлик, фаоллик, мустақиллик ва индивидуаллик каби таълимнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи тамойилларини ўзаро узвий боғлиқликда қўшиб олиб бориш талаб қилинади. “Ёшлар йили” Давлат дастурида *“Таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш”*¹ вазифаси ўртага қўйилган эди. Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш учун, хусусан, олий таълим босқичида берилиши режалаштирилган билимлар таълимнинг узлуксизлик ва ривожлантирувчи тамойиллари асосида қуйи таълим босқичларидан мазмуний узвийликда ўсиб чиқадиган, айти пайтда олий

¹ “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. –Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.

таълим йўналишларига мос, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун ёрдам берадиган бўлишига эришиш зарур бўлади.

Маълумки, олий таълим муассасалари олий таълим йўналишлари классификаторида қайд қилиб ўтилган ихтисослик соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар умумметодологик, яъни гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, умумкасбий, мутахассислик ва танлов фанлари ўқув блокларига ажратилади ва олий таълим ўқув режасига биноан ҳар бир фаннинг ўқув соати аниқ белгилаб берилади. Ушбу тақсимот қанчалик пухта, чуқур ҳисоб-китоб асосида тузилганига қарамай, айрим фанларни режалаштиришда таълим йўналиши хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Чунки ҳар бир фандан бериладиган билим ва малакаларни мутахассислик фанларига ҳам боғлаб ўтиш зарурати ушбу блокдаги ўқув фанлари бўйича тузиладиган ўқув дастурларининг мутахассислик йўналишларига мувофиқ тузилишини ва соат тақсимоти ҳам шундан келиб чиққан ҳолда белгиланишини тақозо этади.

Олий таълим мутахассислик йўналишлари бўйича, аввало, филологик (ижтимоий-гуманитар) ва нофилологик (табiiй фанлар) йўналишларга бўлинади. Ҳар бир йўналиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ўқув материални танлаш ва таълим услубиётини белгилашда, албатта, ўз аксини топади. Рус гуруҳларида ўзбек тили фани ҳар икки йўналишда ҳам ўқув режасига кўра биринчи – ижтимоий-гуманитар фанлар блокига киритилган бўлиб, барча мутахассислик йўналишларида ўқув режасига биноан ушбу блокдаги ўқув фанлари барча олий ўқув муассасаларида бир хил ҳажмда ўқитилиши режалаштирилган. *“Таълим амалиёти ва назариясининг вазифалари турлича бўлгани ҳолда объект, материал ва манфаатлар умумийдир – ушбу объектнинг қурилишини яқунлашдир”* деб ёзган эди Г. А. Золотова.²

Ҳақиқатан ҳам, олий ўқув юр்தларининг филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тили таълими амалиёти турлича бўлса-да, якуний натижалар барча учун бир хил давлат таълим стандарти талабларига мос бўлиши тақозо этилади, яъни талабалар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда, ўз мутахассислиги, касбий фаолияти соҳасида республикамизнинг давлат тилида оғзаки ва ёзма эркин фикр билдира олиш малакаларини эгаллашлари тақозо этилади. Шу боис биринчи блокка киритилган умумижтимоий фанларнинг барчаси (шу жумладан, рус гуруҳларидаги ўзбек тили фани ҳам) шу фан бўйича таянч олий ўқув юрти томонидан тавсия этилган намунавий ўқув дастури асосида ўқитилиши ишчи ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар, дарсликларни тузишда намунавий ўқув дастурга асосланиш талаб этилмоқда.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, айрим йўналишлар ўзбек тилини ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда чуқурроқ, кенгроқ билишни тақозо этса, айрим

² Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.

мутахассисликларда оғзаки мулоқотнинг ўзи етарли бўлади. Жумладан, филологик йўналишдаги олий ўқув юртлари филологлар, журналистлар, таржимонлар, ўқитувчилар, муҳаррирларни тайёрлайди. Бу соҳа мутахассислари республикамизнинг давлат тилини мукаммал билишлари, нафақат оғзаки мулоқот юритишда, балки ёзма нутқда ҳам саводхон бўлишлари зарур. Шу боис ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларининг рус гуруҳларида ўзбек тили дарсларини техник, иқтисодий, тиббий йўналишдаги олий таълим муассасаларидаги каби қисқа ҳажмда ўқитилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, ҳуқуқшунослик, дипломатлар, маданият ва санъат ходимлари, кутубхоначилик каби айрим ижтимоий йўналишлар соҳалари мутахассислари ҳам филологик билимларни нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишлари керак. Афсуски, ҳозирги кунда ҳар бир фан бўйича бир хиллик ва меъёрни таъминлаш мақсадида барча олий таълим муассасалари учун бир хил соат ҳажмининг белгилангани ва битта намунавий ўқув дастурининг жорий этилгани таълим йўналишлари ва мутахассислик хусусиятларининг ҳисобга олинишини қийинлаштириб қўйди.

Жумладан, ОТМларнинг рус гуруҳлари учун ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури сифатида 2004 йилда А. Рафиев, М. Ҳамдамова ва Ҳ. Қаҳҳоровалар ҳаммуаллифлигида тузилган ва таянч олий ўқув юрти – Ўзбекистон Миллий университети томонидан тавсия этилган ўқув дастури барча йўналишлардаги олий ўқув юртлари учун асос ҳисобланади.³ Ҳар бир олий ўқув юрти ўз ишчи дастурини ушбу намунавий дастур асосида тузади. Бу ўринда олий ўқув юртлари ўз йўналишидан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастурига 30% гача ўзгартириш киритишлари мумкинлигини ҳам таъкидлаш керак.

Намунавий ўқув дастури нутқий мавзулар бўйича бўлимлаштирилган бўлиб, ҳар бир машғулот (бўлим) учун ижтимоий-маиший мавзулар танланган. Грамматик маълумотлар эса анъанавий лингвистик тамойилда, улар миллий гуруҳлардаги она тили фани каби изчилликда, фақат бироз қисқартирилган шаклда берилган. (“Нутқ товушлари, уларнинг рус тили товушларидан фарқи. Урғу, оҳанг”, “Содда, қўшма ва жуфт сўзлар”, “Лексик қатламлар, бетараф услубга оид сўзлар. Синоним, омоним, антоним, пароним. Тасвирий ифодалар. Шевага хос сўзлар”, “Сифат ва равиш”, “Ўзлик олмошининг қўлланиши”, “Синтактик алоқа ва унинг турлари” каби). Бу ҳолат нутқий ва грамматик мавзулар ўртасида мазмуний узвийликнинг бузилишига ва ўзбек тили таълимида коммуникатив-нутқий тамойилнинг тўлиқ таъминланмаслигига олиб келди.

Бундай муҳим ҳужжатлар аслида ҳар бир йўналиш бўйича етакчи олий таълим муассасаларида муҳокамадан ўтказилиб, уларнинг тавсиялари ижобий бўлгандагина, намунавий дастур сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Техник, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва шу каби

³ Рафиев А., Ҳамдамова М., Қаҳҳорова Ҳ. Ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. –14 б.

йўналишлардаги олий ўқув юртларида ўзбек тили таълимида кўпроқ ихтисосликка оид мавзулар ва матнлардан фойдаланилиши боис кўпчилик олий ўқув юртларида мазкур намунавий дастур асосида тузилган ишчи ўқув дастурлари бир қатор ўзгартиришлар билан қабул қилинган.

Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг рус гуруҳлари учун ўзбек тилидан тузилган ишчи ўқув дастури аннотациясида қуйидагилар қайд қилинган: “Ушбу дастур “Ўзбек тили” фанидан намунавий дастур (бакалавр йўналиши учун) асосида тузилган. 5220100 – филология, 5220200 – тарих, 5221000–фалсафа, 5220400 – диншунослик, 5220500 – халқаро муносабатлар, 5310100 – халқаро сиёсатшунослик, 5341000 – минтақашунослик, 5341100 – жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар таълим йўналишларига мувофиқ равишда 40 фоиз ўзгартириш киритилган”.⁴

Қайд қилиш керакки, айрим ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларда бундай ўзгартиришларда намунавий дастурда берилган грамматик маълумотлар янада қисқартирилиб, асосан тилнинг морфология сатҳига оид от, сифат, сон, олмош, феъл каби мавзуларни ўтиш режалаштирилганини, айрим олий таълим муассасаларининг ишчи ўқув дастурларида ҳатто бошланғич синфларда берилган маълумотлар қайтарилаётганини ҳам кузатиш мумкин.⁵

Олий ўқув юртлари учун мазкур намунавий дастур асосида ёзилган ўзбек тили дарсликларининг аксариятида Мувофиқлаштирувчи кенгаш талабига биноан нутқий мавзуларга бўлиниш ва бўлимларнинг номланиши сақлаб қолинган, бироқ грамматик маълумотлар эса анъанавий лингвистик изчилликда берилган. Нутқий мавзуларнинг коммуникатив йўналишда, грамматик маълумотлар эса лингвистик йўналишда берилгани боис, уларнинг ўзаро мазмуний узвийлиги ва билимларнинг босқичлараро узлуксизлиги таъминланмаган. Бу камчиликни бартараф этиш, аввало, олий таълим муассасалари учун намунавий ўқув дастурини таълим йўналишларига мослаб, узвийлик, узлуксизлик талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта тузишни, уларда қуйи таълим босқичларида ўтилган нутқий ва грамматик билимларнинг тадрижий ўсиб чиқишини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айнан шу мақсадда С.Аширбоев, С.Адилова ва бошқалар томонидан бакалаврият босқичи рус гуруҳлари учун ўзбек тилидан янги йўналишдаги тажриба-синов дастури тузилди ва 2007–2008 ўқув йилларида айрим олий ўқув муассасалари (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент тўқимачилик институти)да тажриба-синовдан ўтказилди.⁶

⁴Лафасов Ў.П., Исмоилов А.Қ., Мадвалиев А.П. Ўзбек тили (университетлар ва институтларнинг русийзабон гуруҳ талабалари учун дастур). – Тошкент: ТДШИ, 2006. – 16 б.

⁵Келдиёрова Г., Боймухамедова Л., Аблаева Н. Ўзбек тилидан ишчи ўқув дастури. – Тошкент: ТКТИ, 2006.

⁶Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОўЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.

Ўқув дастури 3 қисмга бўлинган бўлиб, 1-қисмда умумий-коммуникатив мавзулар, 2-қисмда талабаларнинг мустақил ишлариини ташкил этиш, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва педагогик технологиялардан фойдаланишга доир тавсиялар ва адабий-бадиий матнлар рўйхати, 3-қисмда эса кўшимча фойдаланиш учун назарий материаллар мавзулари берилган.

Тузувчилар ўқув дастурида коммуникатив тамойил билан лингвистик-анъанавий тизимли тамойилни бир-бирига уйғунлаштиришга ҳаракат қилганликларини таъкидлаб, *“дастур асосан коммуникатив, қисман анъанавий тизимли методларни уйғунлаштирган ҳолда тузилганини”* қайд қиладилар. Дастурда умумий-коммуникатив мавзулар учун умумтаълим мактабларидаги каби 12та нутқий мавзу (1.Тил – маънавият кўзгуси. 2. Мустақил Ўзбекистон. 3.Касбим – фахрим. 4.Талаба ва замон. 5. Халқаро алоқалар. 6. Анъаналар. 7. Тарих, фан, санъат. 8. Она табиат – қўриқхона! 9. Бизнес оламида. 10. Соғлом турмуш тарзи. 11.Услугият. 12.Баркамоллик сари) танланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ичида босқичли кичик нутқий мавзуларга бўлинган. (11-мавзу бундан мустасно, унда грамматик мавзу – “Услугият” мавзуси танланган ва у илмий маъруза, шартнома тузиш, газета мақоласи каби мавзуларга бўлинган.)

Тузувчилар *“барча материаллар умумий коммуникатив мавзулар атрофида бирлашиши”*ни қайд қилган ҳолда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг *“Ўзбек тили”* дастурларидаги каби нутқий мавзуларнинг 3 босқичли кенгайтирилган режасини ҳам тавсия этганлар. Афсуски, дастурда нутқий ва грамматик маълумотларни уйғунлаштириш орқали мазмуний узвийликка эришишга эътибор қаратилмаган.


Умумий-коммуникатив мавзулар рўйхатидаги 11-мавзунинг “Услугият” деб аталиши ва илмий маъруза, шартнома тузиш, публицистик мақола устида ишлашга бағишланганининг кўзда тутилгани ҳам ўзбек тили таълимида фақат нутқий мавзулар билан чегараланиш етарли эмаслиги, талабаларда муайян нутқий кўникмаларни шакллантириш учун грамматик билимлар ҳам берилиш зарурлигини тузувчилар яхши билишларини таъкидлайди. Бироқ бунга ҳар бир мавзуда риоя қилинмагани дастурда кўзда тутилган мақсад тўлиқ амалга оширилмаганлигидан далолат беради.

Умуман, олий таълимда ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлаш масаласида ҳали жиддий камчиликлар кўп. Олий таълимда таълим сифатини яхшилаш учун, аввало, қуйи таълим босқичларида ўзбек тилидан амал қилаётган ўқув дастурлари мазмунини ўрганиб чиқиш ва ўзбек тилини ўқитишда таълим босқичлариаро узлуксизлик таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш керак. Айтиш жоизки, айрим илмий-методик тадқиқот ишларида таълим босқичларида ўзбек тилидан берилиши кўзда тутиладиган билимлар, шакллантириладиган кўникма ва малакалар узлуксизлигини таъминлаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган амалий

тавсиялар тақдим этилган бўлса-да, афсуски, уларни ўрганиб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш масалалари суёт ҳал этилмакда.


Жумладан, ўзбек тилини ўқитишда таълим босқичлари ўртасида узлуксизликни таъминлаш бўйича тадқиқот ишида⁷ тавсия этилган концепцияда 3 асосий таълим босқичи: умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш таълим мазмуни ва уларни ўзаро узвийлик ва узлуксизликда ўстириб боришни таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу концепцияда умумий ўрта таълим босқичида ўзбек тилидан БКМлар узлуксизлиги – ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичида ўзбек тилидан БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши – олий таълимда ўзбек тилидан бериладиган БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши аниқ кўрсатиб қўйилиши тил материалларини беришда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигини, бериладиган билим, кўникма, малакаларнинг босқичдан босқичга ривожлантириб борилишига эришишни тўлиқ таъминлайди.

Намунавий дастурларни тузишда, албатта, ушбу концепциядан келиб чиқилиши керак. Қуйида ўрта махсус таълим босқичида ўзбек тилидан бериладиган билим, кўникма, малакалар ва уларнинг олий таълим босқичида тадрижий ўсиб боришини акс эттирилган:



⁷Мухитдинова Х.С. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2011. –347 б.

Олий таълимда ўзбек тилидан бериладиган БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши



Олий таълим узлуксиз таълим тизимидаги энг юқори таълим босқичи бўлгани учун ушбу босқичда ўзбек тилидан бериладиган қуйи босқичларда эгалланган билимлар, шакллантирилган кўникмаларни комплекс ҳолда амалий қўллаш малакаларини таркиб топдириш керак бўлади. Шу боис олий таълим учун ўқув дастурида мавзуларни муайян фикрни ифодалашга йўналтирган ҳолда номлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Масалан: белги ва миқдорни ифодалаш, нутқ объектини ифодалаш, ҳаракатнинг ҳолатини ифодалаш (бунда ўрин, пайт, сабаб, мақсад, натижа, шарт ва тўсиқсизлик, даража-миқдор, ўхшатиш-қийслаш маъноларини ифодалаш ҳам кўзда тутилади), фикрни боғланишли ифодалаш (бунда талабаларнинг матн ва унинг турлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, монологик нутқ кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилади), фикрни турли услубларда ифодалаш (бунда турли нутқ услублари, хусусан, илмий ва публицистик услубда фикр ифодалаш воситаларига кенг ўрин бериш зарур бўлади) каби.

Қайд этилган мавзуларда муайян фикрни ифодалашда қўлланиладиган тил воситалари комплекс тарзда ўргатилиши, айниқса синтактик синонимик воситаларга катта эътибор қаратилиши (яъни бир фикрни содда гаплар воситасида, қўшма гаплар воситасида, турли услубларда ифодалаш йўллари кўрсатиш) кўзда тутилади, Мавзуларни шу тарзда мантикий умумлаштирилган шаклда бериш олий ўқув юртлири учун ишчи дастурларини мутахассислик йўналишларига мос ҳолда тузиш учун кенг имконият беради, яъни ишчи ўқув дастурларида олий ўқув юртлири ҳар бир мавзунини таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда кенгайтиришлари учун шарт-шароит яратилади.

5.2. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар

Филологик йўналишдаги олий таълим муассасаларида фикр ифодалаш воситаларининг барча шакллари кенгроқ ва чуқурроқ бериш, айниқса синтактик синонимика – сўз бирикмалари ҳамда содда ва қўшма гаплар синонимикаси бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш, лисоний ҳодисаларнинг мантиқий асосларини тушунтириш, гап бўлақларининг ўрни, сўзларнинг ўзаро боғланишини ўргатиш орқали русийзабон талабаларда ўзбек тилини ўз она тили ва бошқа тиллар билан қиёслаш олиш, матнларни турли тилларга мустақил таржима қила олиш кўникмаларини ҳосил қилдиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу назарий билимлар ҳамда машқлар, адабий ўқиш материаллари орқали ўзбек тилидаги турли нутқ услублари ҳақида кенг маълумот беришни режалаштириш мумкин.

Филологик олий ўқув юртлари талабалари грамматик ҳодисанинг моҳиятини тушунишга, уни ўз она тилларига қиёслашлари, сўнгра мисоллар воситасида грамматик билимларни мустаҳкам билиб олиб, уларнинг нутқий-услубий қўлланишларига хос хусусиятларни ўзлаштиришлари керак. Бунинг учун улар ўзбек тилига хос лексик-стилистик хусусиятларни, сўзларнинг маъно қирралари, услубий қўлланишлари ҳақида маълумот олишлари, грамматик ҳодисаларни лингвистик тизимда ҳам ўзлаштиришлари зарур бўлади. Таниқли тилшунос олим Н. Маҳмудов тил таълимида муайян натижага эришиш учун стилистика фани бўйича маълумотларни билишнинг аҳамияти ниҳоятда улканлигини алоҳида таъкидлайди.⁷

Нофилологик олий ўқув юртлари ижтимоий, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, техник, маданият ва санъат каби йирик йўналишларга бўлинади. Ушбу олий ўқув юртларининг рус гуруҳларида ўзбек тилини ўргатишдан кўзланадиган асосий мақсад талабаларда ўз мутахассислиги соҳасида давлат тилидаги коммуникатив нутқий малакани шакллантириш, мутахассислиги бўйича илмий мақолаларни, илмий асарларни ўқиб тушуниш, уларга нисбатан фикр билдириш, узвийлик учун зарур материални рус тилидан ўзбек тилига, ёки аксинча, ўзбек тилидан рус тилига мазмунан тўғри таржима қила олишни ўргатишдан иборат. Бу талабага ўзбек тилидан ўз касби доирасида эркин ва мустақил фойдаланиш имконини беради.

Нофилологик олий таълим муассасаларида ўзбек тили таълимини мутахассисликка оид асар ёки илмий мақола таҳлили асосида макон ва замон, сабаб ва оқибат, мақсад ва натижа, шарт ва тўсиқсизлик маъноларининг ифодаланиши, фикрни далиллаш, асослаш, хулосалаш, ўзгалар фикрини айнан ёки ўзлаштириб ифодалаш, цитата ва эпиграфларни қўллаш, ҳаволалар бериш юзасидан амалий ишлар олиб бориш, монологик тарзда тақдимот ўтказиш каби иш турларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш республикамизнинг давлат тилида эркин фаолият олиб бора оладиган юқори

⁷ Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – 1-сон. – Б. 3–9.

малакали мутахассис кадрлар етказиш ишига самарали таъсир этган бўлар эди.

Ҳар икки йўналишдаги олий ўқув юртларида ҳам ўзбек тили машғулотида илмий ва илмий-оммабоп услубда ёзилган матнлар таҳлилига кенг ўрин бериш, талабаларга илмий маъруза тайёрлатиш, илмий мақолаларни, илмий асарлардан парчаларни таржима қилдириш каби иш турлари билан амалий шуғуллантириб бориш зарур. Талабаларга айниқса илмий, публицистик ва расмий-идоравий услубни амалий ўргатиш, бунинг учун уларни ихтисосликлари бўйича матнларда фаол қўлланадиган нутқий қолиплар, уларнинг синтактик синонимик вариантлари билан таништириш, уларни матбуотдаги мақолалар, радио ва телеахборотларни тушуна олишга, улардан иш жараёнида фойдалана олишга, ўз фикрларини тенгдошлари, гуруҳ, факультет ва янада кенгроқ доираларда эркин баён қила олишга, зарур ҳолларда интервью бера олишга, ўзбекча монологик нутқ сўзлай олишга ўргатиш зарур, деб ўйлаймиз. Шунингдек, олий таълим тизимида расмий услуб бўйича талабаларга бевосита мутахассислигига оид барча ички ҳужжатларни: ҳуқуқий, иқтисодий-тижорат ёки дипломатик хатларни ёзишни, расмий-идоравий мулоқот этикетини ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилидан такомиллаштирилган ва халқаро даражаларга мувофиқлаштирилиб, лойиҳа сифатида тақдим қилинган давлат таълим стандартларида ишчи гуруҳи томонидан олий таълим бакалаврият босқичи битирувчилари учун **С1 даража талаблари** белгиланган бўлиб, ушбу талаблар бўйича битирувчи талаба:

- ўзбек тилида сўз ва ибораларнинг ўзаро синонимикасини;
- ўзбек тилида содда ва қўшма гаплар синонимикасини;
- матн, матн қисмларини боғловчи воситаларни;
- илмий нутқ услубига хос лисоний воситаларни;
- илмий-услубий ишлар турларини (ўқув дастури, қўлланма, дарслик, луғат ва рисола);
- илмий тадқиқот ишлари турларини (илмий мақола, тезис, аннотация, тақриз, БМИ, магистрлик диссертацияси);
- ихтисосликка оид ички ҳужжатларни билиши;

ёзиш амали бўйича ўзбек тилида:

- иншо, эссе, илмий коференция учун маъруза ва бошқа ёзма топшириқларни ёза олиш;
- илмий мақола ва тезисларни ёза олиш;
- битирув малакавий иши ва унинг резюмесини ёза олиш;
- маъмурий иш қоғозлари, мутахассислигига оид хатлар ва ички ҳужжатларни (ҳисоботлар, маълумотномалар, анкета-сўровномалар, таҳлиллар) ёза олиш ва электрон айланма ҳужжатлар билан ишлай олиш малакаларига эга бўлиши талаб этилади.

С2 даражада эса ўзбек тили ихтисослик йўналиши бўлган бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва барча соҳалардаги илмий-педагогик кадрлар малакаларига қўйиладиган қуйидаги талаблар белгиланган:

- илмий, публицистик услубларда мақолалар ёза олиш;
- ўз мутахассислик соҳасига оид илмий-услубий асарлар, мақолалар, маърузаларга тақризлар ёза олиш;
- барча турдаги маъмурий иш қоғозлари, мутахассислигига оид ички ҳужжатларни ёза олиш;
- грант, лойиҳалар, БМИ ва диссертациялар учун асосномалар ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоботлар ёза олиш;

ўз мутахассислик соҳасига оид ва соҳасидан ташқари турли ижтимоий мавзулардаги ўқув-услубий адабиётларга аннотациялар ёзиш.⁸

Бизнингча, ўзбек тилига компетенциявий ёндашувнинг жорий этилиши ва барча таълим босқичлари учун давлат таълим стандартларини халқаро талаблар даражасига мувофиқлаштирган ҳолда такомиллаштирилиши ҳамда сертификатлаштириш тизимининг йўлга қўйилиши таълим тизимимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат тили бўлган ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш, давлатимиз томонидан олдимизга қўйилган таълим босқичларини сифатли кадрлар билан таъминлаш, илмий-педагогик кадрлар салоҳиятни оширишдек масъулиятли вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Олий таълим босқичида ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликнинг таъминланиши ҳолати ҳақида маълумот беринг.
2. Олий таълимнинг қуйи таълим босқичларидан фарқли хусусиятлари ҳақида тушунча беринг.
3. Филологик ва нофилологик ОТМларда ўзбек тили ўқитилишининг режалаштирилишида қандай муаммоли жиҳатлар бор?
4. Сизнингча, нофилологик ОТМларда ўзбек тилининг ўқитилиши ҳозирги кун талабларига жавоб берадими?
5. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари малакаларига қўйилган талаблар даражаси ҳақида фикрингизни билдиринг.
6. Илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлик даражаси қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

Адабиётлар

⁸ Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа)

1. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. –Тошкент: Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.
2. Золотова Г. А. Некоторые вопросы синтаксической теории и обучение к русскому языку // Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. – Москва: Русский язык, 1995. –С. 35.
3. Рафиев А., Ҳамдамова М., Қаҳҳорова Ҳ. Ўзбек тили фанидан намунавий ўқув дастури. –Тошкент: ЎЗМУ, 2004. –14 б.
4. Лафасов Ў. П., Исмоилов А. Қ., Мадвалиев А. П. Ўзбек тили (университетлар ва институтларнинг русийзабон гуруҳ талабалари учун дастур). – Тошкент: ТДШИ, 2006. – 16 б.
5. Келдиёрова Г., Боймухамедова Л., Аблаева Н. Ўзбек тилидан ишчи ўқув дастури. –Тошкент: ТКТИ, 2006.
6. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
7. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.– Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
8. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 238 б.
9. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 212 б.
10. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

(жами 12 соат)

1-амалий машғулот

Мақсад: Тил таълими методлари ва методологияси. Анъанавий ва замонавий таълим методлари. Ўзбек тилидан ўқув машғулотларида замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Режа:

- 1.Замонавий таълим технологияларида янги ўқитиш модели услублари.
2. Ўзбек тилидан ўқув машғулотларида замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш
3. Ўзбек тилини она тили сифатида, иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида ўқитиш методлари

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

замонавий таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик бошқариш услублари ва воситалари;

бугунги кун ўқитувчиси муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир ва уларнинг амалга ошишига масъулдор менежер эканлиги;

ўзбек тилидан ўқув машғулотларида замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;

ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишда ўқитиш ва баҳолашнинг самарали мезонларини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ва хорижий тил сифатида ўқитишда ўзбек тилини интенсиф эгаллашга йўналтирилган таълим методларини ишлаб чиқиш бўйича ўз мустақил фикрига эга бўлиши ва шу жараёнларни амалга оширишда фаол иштирок этиши лозим.

2-амалий машғулот.

Мақсад: Республикамиз узлуксиз таълим тизими: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш мазмуни, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари.

Режа:

1. Умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг 9+3 модели.

2. Олий таълим ва қуйи таълим босқичлари ўртасида “Она тили” ўқув дастурлари узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш.

2. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш тамойиллари ва долзарб масалалари.

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” асосида таълим соҳасида ўтказилган ислохотларнинг бош вазифаси мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим турларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичларига, улардан эса олий таълим босқичларига босқичма-босқич ўтилишини таъминлашдан иборат эканлигини;

республикамизда умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг 9+3 моделига асосланган мажбурий 12 йиллик таълимнинг шакллантирилганлигини;

узвийлик ва узлуксизлик тушунчалари. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўқитиш мазмунида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш тамойиллари ва долзарб масалаларини;

она тили таълими самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: оғзаки ва ёзма саводхонликни кўтариш, нутқ маданиятини яхшилаш, ўзбек тилини атрофлича ўргатишга йўналтирилган таълим методларини машғулотларда қўллаши ва самарали натижаларга эга бўлиши керак.

3-амалий машғулот

Мақсад: Республикамиз узлуксиз таълим тизимида: умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш мазмуни ва ўзига хосликлари, узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг долзарб масалалари.

Режа:

1. Узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида сифатида ўқитиш тамойиллари ва ўзига хосликлари.
2. Ўзбек тилини хорижликларга ўқитишни ташкил масалалари.

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

узлуксиз таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш йўналишларини: миллий мактаблар ва миллий гуруҳларда она тили сифатида ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда рус гуруҳларида иккинчи тил (давлат тили) сифатида ўқитиш тамойилларини;

тилни иккинчи тил сифатида ўргатишда ҳам тилни тил муҳити бўлмаган жойда ўргатиш ва тилни тил муҳитида ўргатишнинг ўзига хос жиҳатларини;

республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини ўқитиш мазмунини ва умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш муаммоларини;

ўзбек тилини хорижликларга интенсив ўқитишни ташкил этиш, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари, нофилологик йўналишлардаги рус гуруҳлари талабалари учун ўзбек тили ўқитувчиларини тайёрлаш, ушбу йўналишлар ва соҳа мутахассислари учун ўқув-услубий адабиётларни яратиш муаммоларини тўлиқ англаши ва ечимини топишга ҳаракат қилиши керак.

4-амалий машғулот

Мақсад: Ўзбек тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро компетенциявий даражаларга мувофиқлаштириш масалалари.

Режа:

1. Тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликлари.

2. Ўзбек тилидан ДТС талабларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш.

3. Таянч ва хусусий компетенциялар (нутқий, лингвистик, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар) узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш.

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

тилни коммуникатив асосда ўқитишнинг анъанавий таълимдан афзалликларини;

ҳамкорлик методи таълим субъектларини фаоллаштиришнинг муҳим омили эканлигини;

ўзбек тилини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг самарали жиҳатлари, компетенцияларнинг турлари (таянч ва хусусий компетенциялар, нутқий, лингвокультурологик ва прагматик компетенциялар) ҳақида маълумотга эга бўлиши;

таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишда лингвистик билимлар, кўникма ва малакалар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш талабалар нутқий компетенцияларини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигини билиши керак.

5-амалий машғулот

Мақсад: Олий таълим тизимида ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрларнинг ўзбек тилидан компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

Режа:

1. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитиш.
2. Ўзбек тилини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш.
3. Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда талабалар эгаллашлари керак бўладиган нутқий, лингвистик, ижтимоий-маданий ва прагматик компетенцияларни;

олий таълимнинг бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини;

бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида ўзбек тили ўқув фани мазмунини ва назорат-баҳолаш тизимини лойиҳалаштиришни билиши ва машғулотларда қўллаши керак.

6-амалий машғулот

Мақсад: Модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий дарс турлари ва шаклларини ўзлаштириш.

Режа:

1. Ўзбек тили машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида замонавий дарс турлари ва шаклларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг қўйилиши

Тингловчи:

ўзбек тили машғулотларида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини;

Ўзбек тили машғулотларда анъанавий ва ноанъанавий дарс шакллари - муаммоли маъруза, баҳс-мунозара, давра суҳбати, такдимот-дарс, конференция-дарс, экскурсия-дарс шакллари;

Ўзбек тили машғулотларида ахборот коммуникацион технологияларни машғулотларда қўллаши ва самарали натижалар олиши лозим.

Шунингдек, ўзбек тилидан мультимедиа иловали ўқув-услубий қўлланмалар, аудио дисклар, видеоматериаллар ва электрон дарсликлар яратиш технологияларини ҳам ўзлаштириш ва уларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши лозим.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ НАМУНАЛАРИ

3-мавзу бўйича топшириқлар

3 гуруҳга бўлининг ва берилган саволлар бўйича фикрингизни билдириш.

1-гуруҳ учун:

- А) миллий мактабларда “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанини ўқитиш бўйича ДТС талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фани узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанидан ДТСга қўйиладиган А1 ва А2 даража талаблари

2-гуруҳ учун:

- А) Ал ва КХКларида “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанини ўқитиш бўйича ДТС талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фани узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанидан ДТСга қўйиладиган В1 ёки В2 даража талаблари

3-гуруҳ учун:

- А) ОТМларда “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанини ўқитиш бўйича ДТС талаблари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари;
- Б) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанининг қуйи таълим босқичлари билан узвийлиги ва узлуксизлиги ҳолати;
- В) “Она тили” (ёки “Ўзбек тили”) фанидан ДТСга қўйиладиган С1 ва С2 даража талаблари

4-мавзу бўйича топшириқлар

1. Кейс-стади.

Берилган фикрни ҳамкорлик методида муҳокама қилинг ва “Она тили” ва “Ўзбек тили” фанлари мисолида ўз фикрингизни билдиринг.

Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва таълим тизимида юз берган туб ўзгаришлар барчамизга маълум. Ушбу ислохотлар самарали натижалар бериши учун ҳукуратимиз томонидан жуда кўп меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, таълим соҳаси ходимлари томонидан кўп саъй-ҳаракатлар қилинди. Бугунги кунда эришилган қатор ютуқлар билан бир қаторда ечими қийин кетаётган муаммоли ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

1. Кўпчилигимиз собиқ таълим тизимида ўқиб ўрганганмиз ва билимларимиз анча пухта бўлганлигини биламиз. Бироқ собиқ таълим тизимидан ҳозирги таълим тизимининг афзаллиги нимада деб ўйлайсиз? Камчилик жиҳати ҳам борми?

2. Таълим берувчи билан таълим олувчилар муносабатида ҳамкорлик методига асосланиш, яъни ўқувчиларни таълим объекти эмас, таълим субъекти деб ҳисоблаш ва таълим субъектларини фаоллаштириш, сизнингча, таълим самарадорлигининг қайси жиҳатларига таъсир қилади? Айнан шу бугунги кунда нималарни ўзгартирди?

3. Коммуникатив таълимнинг анъанавий таълимдан, компетенциявий ёндашувнинг коммуникатив тамойилдан фарқли ва афзаллик жиҳатлари нималарда кўринади? Ушбу ёндашувларда бирдан иккинчисига ўтишда нималарнидир сақлаб қолиш керакми ёки бутунлай воз кечиш маъкулми?

2. Берилган саволларга жавоб беринг.

- “Нутқий фаолиятнинг 4 амали” тушунчасини изоҳланг.
- Нутқий компетенция қандай шакллантирилади?
- Нутқий малаканинг ҳосил бўлиш жараёни қандай амалга оширилади?
- Лингвокультурологик компетенция нималарни ўз ичига олади?
- Прагматик компетенцияда нималар назарда тутилади?
- Таянч, хусусий ва метакомпетенция деганда нималарни тушунасиз?

5-мавзу бўйича топшириқлар

Гуруҳларга бўлиниб, саволлар бўйича фикрингизни баён этинг:

1-гуруҳ учун:

А) ОТМларда “Ўзбек тили” фани мазмуни ва ўқув-услубий таъминоти масаласига муносабат билдиринг.

Б) “Ўзбек тили” ёки “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанлари бўйича бирор мавзунини лойиҳалаштиринг.

В) Бўлажак ўзбек тили ўқитувчилари компетентлиги даражасига қўйилган талабларни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

2-гурӯх учун:

А) ОТМлар бакалавриат босқичи филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш.

Б) Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш методикаси ва ўқув-услубий таъминотини яхшилаш ҳақида таклифларингиз

В) Олий малакали илмий-педагогик кадрлар компетентлиги даражасига қандай талаблар қўйилиши керак?

Кейс-стади

1. Ўзбек тилидан давлат таълим стандартлари: мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар

2. Тил таълимнинг халқаро даражалари: компетенциявий даражаларни республикамизда чет тиллари ва ўзбек тилини ўқитишга мувофиқлаштириш муаммолари.

3. Ўзбек тилидан компетенциявий даражаларни сертификатлаштириш муаммолари:

А) Эҳтиёж борми? В) Ечими қандай? С) Қандай натижа кутилади?

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

(4 соат)

1. Умумтаълим ва ўрта махсус таълим босқичида ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турлари ва шаклларидан фойдаланиш **(2 соат)**.

2. Олий таълимнинг филологик ва нофилологик йўналишларида ўзбек тилини ўқитишда замонавий дарс турлари ва шаклларидан фойдаланиш **(2 соат)**.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ **(4 соат)**

1. Тил таълимнинг халқаро компетенциявий даражалари ва ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги илғор тажрибаларни ўзбек тили фанини ўқитиш жараёнига татбиқ этиш **(2 соат)**.

2. Узлуксиз таълим босқичида ўзбек тили фанидан компетенциявий талабларни назорат-баҳолаш тизимини лойиҳалаштириш **(2 соат)**.

АДАБИЁТЛАР

Ш. Махсус адабиётлар

1. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
2. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ, 2002. – 336 с.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
4. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. – Т.: Университет, 2005.
5. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. – Жиззах, 2006.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
7. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
8. To‘xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – T., 2006.
9. Юсупова Ш. Она тили ўқитиш мазмуни. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
10. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
11. Юсупова Ш. Интеграцияли дарслар ташкил қилиш методикаси. – Андижон, 2008.

12. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари (монография). – Т.: Фан ва технология, 2008. – 238 б.
13. Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа (монография). – Т.: “Мумтоз сўз”, 2009.
14. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
15. Аширбоев С., Тўхтамирзаев М., Адилова С., Дўсанов Н. Ўзбек тили. ОЎЮ бакалавр йўналиши учун тажриба-синов дастури. –Тошкент: ТДПУ, 2007.
16. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Ж. Тил ва адабиёт таълими.–Тошкент, 2009. – 1-сон. –Б. 3–9.
17. Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Т.: Баёз, 2010.
18. Юсупова Ш. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (амалий ва лаборатория машғулоти учун ўқув қўлланма). – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
19. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (монография). – Т.: Фан ва технология, 2012. -214 б.
20. Юсупова Ш. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури (ўқув-услубий қўлланма). – Т., 2013.
21. Yo‘ldoshev R. A. Ta‘lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. – Т., 2015.- 157 б.
22. Muxitdinova X. S. Til ta‘limining xalqaro kompetensiyaviy talablarini o‘zbek tiliga joriy etishga doir mulohazalar // Til va adabiyot ta‘limi, 10- son. – Т., 2015. - 15-16- b.
23. Muxitdinova X.S. The Issues of Certificating and Reforming Requirements of Competence in Uzbek Language Tashkent, 2016. / International Theoretical and practical Conference EDUCATION FND SCIENCE FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT / Uzbekistan 2015, April 6-8. – Т., 2015.- 102.
24. Ўзбек тили фани бўйича узлуксиз таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар /Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари (лойиҳа)/ - 2016.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
4. www.ziyonet.uz
5. www.edu.uz
6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

Таянч ибора ва тушунчалар глоссарийси

Атама	Ўзбек тилидаги изоҳи	Инглиз тилидаги изоҳи
Давлат таълим стандарти (ДТС)	Ҳар бир фан бўйича муайян таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган малакавий талаблар	
Ўқув дастур	Муайян таълим босқичи ва йўналиши учун белгиланган ДТС га мувофиқ ҳолда муайян фан бўйича олиб бориладиган ўқув машғулотларининг асосий мазмуни	
Таълимий мақсад	Ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан пухта назарий билим ва маълумотлар бериш ва уларни нутқий фаолиятда қўллаш олишга ўргатишдир	
Тарбиявий мақсад	Тил таълими жараёнида таълим субъектларини ўз халқига, Ватанига садоқат, миллий тилга муҳаббат, уни пухта эгаллашга иштиёқ, аждодларини қадрлаш, миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар руҳида тарбиялаш	
Ривожлантирувчи мақсад	Таълим субъектларида мустақил фикрлаш, ўзига ишонч ва қатъийлик, қийинчиликларни енгиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш	
Ўқув диалоглари лойиҳаси	Дарсни таълим берувчи билан таълим олувчилар ўртасида ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган фаол таълим усуллари воситасида	

	ташкил этишни лойихалаштириш	
Ўқув полилоги лойихаси	Дарсни таълим берувчи билан таълим олувчилар ўртасида ҳамда таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ўрнатишга хизмат қиладиган интерфаол таълим усуллари воситасида ташкил этишни лойихалаштириш	
Метод	Юнонча сўз бўлиб, “йўл” маъносини ифодалайди, таълим жараёнида мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари демакдир.	
Таълим методи	ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули.	
Таълим методикаси	муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифловчи, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи методларни қўллашни ўргатувчи фан	
Таълим усули	ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолияти бўлиб, у ўқув материалини назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш йўлларини англатади.	
Методология	тадқиқот манбаини қандай тушуниш, уни ўрганишга қандай ёндашиш, қайси	

	узулларни кўллаш, тадқиқот объекти юзасидан умумий назарий, амалий, мантиқий ёки тавсифий билимлар ҳосил қилиш ҳақидаги таълимот	
Таълим технологияси	(инглизча “an educational technologiya”) “таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, ўқитиш жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш юзасидан маълумот берувчи фан	
узвийлик	узвий чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас	
узлуксизлик	соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи	
узлуксиз таълим тизими	узлуксиз таълим ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими	
она тили сифатида ўқитиш	тилни шу тил асосий тил ҳисобланувчи мамлакатда тил эгаларига ўқитиш	
тил таълими тамойиллари	тилларни ўқитишда амал қиладиган асосий йўналишлар	
компетенция	(лот. competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ) шахсининг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси	
компетентлик –	чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилиқ; хабардорлик, омилкорлик	

компетенциявий ёндашув	эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантириш	
халқаро даражалари CEFR	чет тиллари бўйича эгалланган билимларни амалий қўллай олиш малакавий кўрсаткичларининг халқаро миқёсда қабул қилинган компетентлилик кўрсаткичлари	
таянч компетенциялар	инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш	
хусусий компетенциялар	хар бир фан бўйича эгалланган билим, кўникма, малакалар асосида шакллантирилган лаёқатлар даражалари	
нутқий компетенция	тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари воситасида таълим олувчида шакллантирилган тил материалларини амалий қўллаш лаёқати	
лингвистик ёки тил компетенцияси	муайян тил бўйича бериладиган фонетик, лексик, грамматик билимларни амалий қўллаш лаёқати	
лингвокультурологик компетенция	ўрганилаётган тилда акс этган тил эгаларининг миллий-маданий хусусиятлари, қадриятлари тизимини ўрганиш ва нутқда қўллаш лаёқати	
прагматик	кундалик ҳаётда эгалланган	

компетенция	билим, кўникмалар асосида нутқий вазиятларга мос равишда мустақил ҳолда мулоқотга кириша олиш лаёқати	
сертификатлаштириш тизими	эгалланган билимлар асосида муайян тилни амалий қўллай олиш малакавий компетентлилик кўрсаткичи бўйича гувоҳнома бериш тизими	
классификатор	олий таълим тизимида тайёрланадаган мутахассисликлар ва ихтисосликлар йўналишларининг тасдиқланган рўйхати	
намунавий дастур	фан бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан тавсия қилинадиган ва шу йўналишдаги ОТМлар ишчи ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари учун асос ҳисобланувчи ўқув дастури	
компетентлик даражаси	эгаллаган билим, млакаларини амалий қўллаш салоҳияти кўрсаткичи	
мутахассислик йўналишлари	олий таълим тизими бакалавриат босқичи бўйича тайёрланадиган мутахассислик йўналишлари	
ихтисослик соҳалари	олий таълим тизими магистратура босқичи бўйича тайёрланадиган ихтисослик соҳалари	
олий малакали илмий-педагогик кадрлар	олий таълимдан кейинги босқичларда тайёрланадиган юқори малакали кадрлар	

